

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТАРМОҚ МАРКАЗИ

**“ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, БЮОМЛАРИ ВА
КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ”
ЙЎНАЛИШИ**

**“ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ
УМРБОҚИЙЛИГИ”
модули бўйича
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тошкент – 2016

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: ТАҚИ, т.ф.н., доц, Н.А.Махмудова

Тақризчи: Dr. Christian Kaps. Professor, Fakultat Bauingenieurwese, Professur Bauchemie, Bauhaus Universität Weimar, Deutschland.

*Ўқув -услубий мажмуа Тошкент архитектура қурилиши институти Кенгашининг 2016
йил _____ даги __-сонли қарори билан наширга тавсия қилинган.*

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	9
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	17
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ	61
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	82
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ	85
VII. ГЛОССАРИЙ	86
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	91

I.ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Ишчи дастур олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Ишчи дастур мазмунода хориж таълим тажрибаси, ривожланган давлатларда таълим тизими ва унинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.

Ишчи дастурда “Қурилиш материалларининг умрбоқийлиги” модулининг мазмуни, моҳияти, унинг мақсад ва вазифалари, қурилиш материаллари шунингдек, бетон ва темирбетоннинг барқарорлиги, керамик қурилиш материалларининг умрбоқийлиги каби мавзулар узвийлик ва узлуксизлик нуқтаниназаридан мантиқий кетма-кетликда ўз аксини топган. “Қурилиш материалларининг умрбоқийлиги” модулини чуқур ўрганиш тегишли соҳалар муаммоларини ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди.

Ишчи дастурнинг мазмуни тингловчиларни “Қурилиш материалларининг умрбоқийлиги” модулидаги назарий методологик муаммолар, чет эл тажрибаси ва унинг мазмуни, тузилиши, ўзига хос хусусиятлари, илғор ғоялар ва маҳсус фанлар доирасидаги билимлар ҳамда долзарб масалаларни ечишнинг замонавий усуслари билан таништиришдан иборат.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Қурилиш материалларининг умрбоқийлиги” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини архитектура ва қурилиш соҳасидаги қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари йўналишига доир билимларини такомиллаштириш, инновацион технологияларни ўзлаштириш, жорий этиш, таълим амалиётида қўллаш ва яратиш бўйича кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

“Қурилиш материалларининг умрбоқийлиги” модулининг вазифалари:

- қурилиш материалларининг умрбоқийлиги; қурилиш материалларига атроф мухитнинг таъсири; композит материалларни ташқи мухит омиллари асосида эскириши; қурилиш материаллари умрбоқийлигини ошириш; долзарб муаммолар мазмунини ўрганишга йўналтириш;

- тингловчиларда архитектура ва қурилиш соҳасидаги инновацияларнинг илғор технологияларига доир олган янги билимларини ўз фанларини ўқитишда ўринли ишлата олиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Курилиш материалларининг умрбоқийлиги” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- қурилиш материаллари умрбоқийлиги ва ишончлиги ҳақида;
- умрбоқийлик даври ва унга таъсир этувчи омилларни;
- қурилиш материалларига қўйиладиган талабларни;
- коррозия пайдо бўлиш сабаблари ҳақидаги **билимларга** эга бўлишлари керак.

Тингловчи:

- қурилиш материалларининг хоссасини аниқлаш;
- бетон ва темирбетоннинг умрбоқийлигини ошириш;
- композит материалларни эскиришини олдини олиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- атроф мұхитни ҳимоя қилиш чора-тадбирларини тайёрлаш;
- экологик тоза қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш;
- қурилиш материалларини умрбоқийлигини ошириш вазифаларини бажарадиган **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи: ўз фанларини ўқитиша қурилиш материаллари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш йўналиши бўйича архитектура ва қурилиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар тизимидағи, қурилиш материалларининг умрбоқийлигини ошириш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Курилиш материалларини умрбоқийлиги” модулини ўқитиши жараёнида қўйидаги инновацион таълим шакллари ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

замонавий ахборот технологиялари ёрдамида интерфаол маъruzаларни ташкил этиш;

амалий машғулотлар жараёнида лойиҳа ва кейс технологияларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Курилиш материалларини умрбоқийлиги” модули бўйича машғулотлар ўқув режадаги “Бетон ва темирбетон буюмлари”, “Замонавий қурилиш материаллари” ва бошқа блок фанлари билан узвий боғланган ҳолда уларнинг илмий-назарий, амалий асосларини очиб беришга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Фан олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг қурилиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар тизимидағи, қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш йўналиши бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар архитектура ва қурилиш соҳасидаги инновацияларни ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда қўллашга доир проектив, креатив ва технологик касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат						Мустақил таълим	
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			Жумладан			
			Жами	Назарий	Амалий	Кўчма машгулот			
1.	Қурилиш материаллари умрбоқийлиги.	6	4	2	2			2	
2.	Керамик қурилиш материалларининг умрбоқийлиги.	8	6	2	4			2	
3.	Бетон ва темирбетоннинг умрбоқийлиги.	8	8	2	4	2			
4.	Металл қурилиш материаллари ва конструкцияларининг умрбоқийлиги.	4	4	2	2				
5.	Органик қурилиш материаллари умрбоқийлиги.	4	4	2	2				
Жами		30	26	10	14	2	4		

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1- мавзу: Қурилиш материаллари умрбоқийлиги.

Қурилиш материалларининг умрбоқийлик омиллари. Қурилиш материалларининг ташқи мухитта таъсири. Қурилиш материаллари умрбоқийлик тамойиллари

2- мавзу: Керамик қурилиш материалларининг умрбоқийлиги.

Керамик материалларнинг чидамлиилиги. Деворбоп материалларинг умрбоқийлиги. Энерготежамкор деворбоп материалларининг умрбоқийлиги ва фойдаланишни ошириш йўллари

3- мавзу: Бетон ва темирбетоннинг умрбоқийлиги.

Бетон умрбоқийлиги. Коррозия пайдо бўлишининг сабаблари. Цемент тошининг коррозияси

4-мавзу: Металл қурилиш материаллари ва конструкцияларининг умрбоқийлиги.

Металл қурилиш материалларининг умумий тавсифи. Металл қурилиш материаллари ва конструкцияларининг коррозияси. Металл қурилиш материаллари ва конструкцияларини коррозиядан ҳимоялаш.

5-мавзу: Органик қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларининг умрбоқийлиги.

Умумий тавсифлар. Органик қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларининг умрбоқийлиги. Ёғочнинг умрбоқийлиги. Ёғочнинг биологик заарланиши. Ёғоч умрбоқийлигини ошириш усуллари

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Қурилиш материаллари умрбоқийлиги.

Қурилиш материалларининг умрбоқийлик омиллари. Қурилиш материалларининг ташқи мухитга таъсири. Қурилиш материаллари умрбоқийлик тамойиллари

2-амалий машғулот: Керамик қурилиш материалларининг умрбоқийлиги.

Керамик материалларнинг чидамлиилиги. Деворбоп материалларинг умрбоқийлиги. Энерготежамкор деворбоп материалларининг умрбоқийлиги ва фойдаланишни ошириш йўллари

3-амалий машғулот: Бетон ва темирбетоннинг умрбоқийлиги.

Бетон умрбоқийлиги. Коррозия пайдо бўлишининг сабаблари. Цемент тошининг коррозияси

4-амалий машғулот: Металл қурилиш материаллари ва конструкцияларининг умрбоқийлиги.

Металл қурилиш материалларининг умумий тавсифи. Металл қурилиш материаллари ва конструкцияларининг коррозияси. Металл қурилиш материаллари ва конструкцияларини коррозиядан ҳимоялаш.

5-амалий машғулот: Органик қурилиш материаллари умрбоқийлиги.

Умумий тавсифлар. Органик қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларининг умрбоқийлиги. Ёғочнинг умрбоқийлиги. Ёғочнинг биологик заарланиши. Ёғоч умрбоқийлигини ошириш усуллари

Амалий машғулотларни “Кичик гурухларда ишлаш”, “Давра сухбати”, “Кейс стади” ва бошқа таълим технологияларидан фойдаланилган ҳолда ташкил этиш

кўзда тутилган. Бунда ўкув жараёнида фойдаланиладиган замонавий методларининг, педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилиши, маъruzалар бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш, амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-комуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилади.

Коррозия пайдо бўлишининг сабаблари, турлари ва тавсифлари. Коррозия чидамлилигини ошириш. Қурилиш материаллари умрбоқийлиги ва ишончлиги. Керамика қурилиш материалларининг совуққа чидамлилиги. Деворбоп қурилиш материаллари. Цемент композицияларининг совуқ таъсирига чидамлилигини ошириш. Тўлдиргичлар сифатининг бетон умрбоқийлигига таъсири. Ёғоч умрбоқийлигини ошириш усуслари. Пластмассаларнинг умрбоқийлиги. Битум ва қатрон асосидаги материалларнинг умрбоқийлиги.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаш олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшлиши, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loyihalar echimi bўyicha daliillar va aсосли аргументларни тақдим қилиш, эшлиши ва муаммолар echiminini topish қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Топшириқ турлари	Баллар тақсимоти	Максимал балл
1.	Мавзулар бўйича кейслар	1,5 балл	2,5
2.	Мустақил иш топшириклари	1,0 балл	

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

“Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи тингловчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласи;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер-ўқитувчи томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

Боғловчи моддалар

Цемент		Портландцемент		Шлакопортланд цемент	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

“SWOT-тахлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S	Замонавий қурилиш материалларининг кучли томонлари	Умрбоқийлиги юқори
W	Замонавий қурилиш материалларининг кучсиз томонлари	Қўлланиладиган материалларни юқори сифатли бўлиши ва юқори таннархи
O	Замонавий қурилиш материалларининг имкониятлари (ички)	Қурилиш материалларининг универсаллаги умрбоқийлик талабларга қараб шакллантириш
T	Тўсиқлар (ташқи)	Қўшимчаларни хориждан келтириш, ёки чет элдан уларни ишлаб чиқарувчи технологияларни жорий этиш

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитиши амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмuni
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; <ul style="list-style-type: none"> ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топширигни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топширигининг ечимини	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ мукобил ёним йўлларини ишлаб чиқиши; ✓ ҳар бир ёнимнинг имкониятлари ва тўсиқларни

излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	таҳлил қилиш; ✓ мұқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ якка ва гурухда ишлаш; ✓ мұқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хulosса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

“Кейс”. Бетон учун тўлдирувчи сифатида шағал ўрнига оҳак тошнинг майдага фракцияларини қўллаш иқтисодий самара бериши аниқланди. Аммо бетон маҳсулотларининг умрбоқийлигини туширди. Яъни сифат даражасига эришмадик.

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гурухда).
- Бетон ишлаб чиқариш технологиясига сифат даражасига эришиш учун қўшимчаларнинг турларини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология тингловчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш қўнимларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- тингловчиларга мавзуга оид бўлган якуний хulosса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қофозларни тарқатилади:



- тингловчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки грухий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили тингловчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Фикр: “Қурилиш материалларининг умрбоқийлигини оширувчи омиллар”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга топшириқларни киритиш мумкин.

**Тест**

- 1. Коррозия нима?
- А. чидамлилик
- В. емирилиш
- С. синиш

**Қиёсий тахлил**

- Курилиш материалларини емирилишини тахлил қилинг?

**Тушунча тахлили**

- ҚМУ қисқармасини изоҳланг...

**Амалий қўникма**

- композит материалларни эскиришини олдини олиш?

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчиларга қуидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт яқунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан тахлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот яқунланади.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- тингловчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурухли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир тингловчи берилган тугри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

“Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Бетон тўлдиригич	Йирик ва майда табиий қуринишдаги қурилиш материали	
Боғловчи моддалар	Ноорганик ва органик боғловчи моддалардан иборат қурилиш материаллари	
Бетон	Майда ва йирик тўлдириувчилар, цемент, сув аралашмаси ва қотиш жараёнида сунъий тошга айланган қурилиш материали	

Изоҳ: Иккинчи устунчага тингловчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Вени Диаграммаси методи


Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишигдан айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали қўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- тингловчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга қўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда тингловчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурух аъзоларини таништирадилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Бетон махсулотлари турлари бўйича



“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўнималарини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастреб тингловчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, тингловчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи тингловчиларга уч кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштиради ва гурух аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини танишириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гурух баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқиши топширилади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гурухлар ўз ишларини тутатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшииттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуиши сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди хисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гурух баҳоси» ўртасидаги фарқ

чиқарилади ва баллар «гурұх хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурұх хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Тингловчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

«Дастурый воситаларни ўрнатиш ва созлаш» кетма-кетлигини жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб қўринг!

Харакатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гурӯх баҳоси	Гурӯх хатоси
Бетон тўлдирувчи					
Боғловчи моддалар					
Бетон					

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1- мавзу: Қурилиш материаллари умрбоқийлиги.

Режа:

- 1.1. Қурилиш материаллари умрбоқийлиги омиллари.
- 1.2. Қурилиш материалларига ташқи муҳит таъсири.
- 1.3. Қурилиш материаллари умрбоқийлиги тамойиллари.

Таянч иборалар: Қурилиши материалларининг умрбоқийлиги, сифат ва умрбоқий материаллар, структура, ташқи омилларга қаршилиги, деформация, қурилиши материалларининг эксплуатацияси

1.1. Қурилиш материаллари умрбоқийлиги омиллари.

Қурилиш материалларининг асосий хусусияти унинг умрбоқийлиги ҳисобланади. Қурилиш материалларининг юқори мустаҳкамлиги ташқи муҳит -даги омилларга боғлиқ. Ҳар бир материалнинг мустаҳкамлиги бор. Умрбоқийлик тўғрисида эгилувчанлик йўқолиши ёки бошқа бузилишлар муҳим ўзгаришларга олиб келади. Одатда, натижалар маҳсулот таркибида, бузилиш, оғиш ва фарқли ўлароқ маълум вақт давр ичида асл қиёфаси ўзгариши яъни - умрбокийлик остида уларнинг хусусиятлари, тузилиши, параметрларини сақлаб қолиш учун материаллар қобилиятини тушунамиз.

Амалдаги меъёрларга кўра, тайёрланган бетон умрбоқий ва қуйидаги афзалликларга эга:

- Тайёрланишнинг юқори бўлмаган қиймати
- Қаров бўйича минимал харажатлар
- Узоқ эксплуатацияда хусусиятларнинг ўзгармаслиги.

Бетон умрбоқийлигини таъминлаш учун, меъёрларга риоя қилиш бирга, аниқ шароитларни ҳам яратиш:

- Конструкцияларни лойиҳалашда аниқ мос концепциянинг мавжудлиги;
- Тайёрлаш жараёнида конструкцияларда хатоликларга йўл қўймаслик; конструкция чидамлиликнинг етарлича заҳирасига эга бўлиши;
- Қурилиш ва эксплуатацияда тартибсизликга йўл қўймаслик.

Бетон ва олдиндан зўриқтирилган бетон қадимий анъаналарга эга ва дунёда бу материаллардан қурилган алоҳида эксклюзив обьектлар конструкциялар ҳам мавжуд. Бетондан тайёрланган қурилиш иншоотларида етарлича бўлмаган умрбоқийлик сабаблари сифатида қуйидаги омилларни қўриб чиқиши мумкин:

1. Бошланғич материаллар ва якуний маҳсулот сифатини таъминловчи мавжуд тизимларнинг номукаммаллиги.
2. Негатив таъсирларнинг кучайиши (ҳаво ва сувдаги зарарли моддаларнинг мавжудлиги, эксплуатациянинг ўзгарувчан шароитлари).

3. Шу турдаги бетон умрбоқийлиги учун сув цемент нисбатини таъминловчи юқори чидамли цементлардан фойдаланиш (капилляр ғоваклар хажмининг ошиши).
4. Цементларнинг майдалиги ва бетон маҳсулотларини қайта ишлаш. Кўп сонли қурилмаларда цементлардан фойдаланиб, чидамлиликни ошириш заҳиралари.
5. Бетонга қўшимчаларни қўшиш.

Қурилиш материаллари умрбоқийлигига эришиш чоралари:

- Қурилиш иншоотини лойиҳалашда умрбоқийлик талабларини ҳисобга олиш (масалан, ёнғинлар ва агресив муҳит таъсирларининг олдини олиш);
- Бошлангич компонентлар ва бетон таркибини тўғри танлаш.
- Бетон тайёрлаш технологиясига риоя қилиш;
- Бетонга парвариш;
- Бетонни қопламалар ёрдамида ҳимоя қилиш.

Умрбоқийликга таъсир этувчи сабаблар:

- Иншоотнинг эстетик дефектлари;
- Бетондаги дарзлар;
- Бетоннинг емирилиши (синиши);
- Коррозия.

Умрбоқийликни битта умумий критерия ёки кўрсаткич ёрдамида характерлаш мумкин эмас. Эксплуатациянинг ҳар бир ҳолати учун, риоя қилиниши лозим бўлган бир қатор параметрларни аниқлаш зарур.

Фақат сиқилишдаги бетон умрбоқийлиги кўрсаткичини ҳисобга олиш – умрбоқийликни таъминлаш учун етарли эмас.

Ҳар бир аниқ ҳолатда конструкциялар эксплуатацияси аҳамияти ва шароитларига кўра, бетоннинг қуйидаги алоҳида хусусиятлари муҳим бўлиши мумкин:

- Совуққа чидамлилик, шунингдек, эритувчи воситалар таъсири остида музлашга қаршилик ва қурилиш вақтида бетоннинг муздан эриши;
- Бетонга агресив эритмалар ва газсимон муҳитларнинг киришига қаршилик (бетон зичлиги), масалан, резервуарлар ва омборлар эксплуатациясида;
- Атмосфера таъсирларига қаршилик;
- Биологик таъсирларга, масалан, микроорганизмлар ҳаёт фаолияти маҳсулотларига чидамлилик;

- Ташқи қурилиш элементлари ёки туннел иншоотларида карбонизация, яъни CO_2 нинг, ёки кўприк элементлари билан контактда бўлган, хлорид таркибли эритувчи воситаларнинг кириши;
- Кенгайишга сабаб бўлувчи, бетоннинг ўзидаги емирувчи реакцияларга чидамлилик, масалан, “ишқор+кремний кислотаси” реакцияси натижасида, этtringит, CaO гидратациясининг ҳосил бўлиши;
- Термик, намлик, механик ва динамик кучланишларда дарзга чидамлилик;
- Термоқайта ишлаш ёки олов таъсири натижасида тузилма емирилишига чидамлилик.

Умрбоқийлик кўрсаткичини аниқлаш учун, қурилиш материали сифатини назорат этиш усулидан чидамлиликни текшириш. Қоида бўйича, чидамлиликнинг ишончли кўрсаткичлари, изланишлар натижасида олиниши, бунда намуналардан олинган натижаларни реал қурилиш конструкция ишончлилигидан фарқ қилмаслигини унутмаслик керак.

Умрбоқийлик кўрсаткичларига қўйидагилар киради:

1. Зичлик:

- сув ўтказмаслик;
- бир томонлама сув ютиш ёки сув билан ҳажмий контакт;
- газ ўтказувчанлик.

2. Сувда ёки тузли эритмаларда

алмашувчан музлаш ва эришга

қаршилик, қўйидагича баҳоланади:

- массани йўқотиш;
- ҳажм ўзгариши;
- кенгайиш деформацияси.

3. Карбонизация чуқурлиги, ҳамда

хлоридларнинг кириши чуқурлиги,

қўйидагича аниқланади:

- индикаторлар ёки
- индикатор реакциялар ёрдамида.

4. Агресив муҳитлар таъсири,

қўйидагилар билан аниқланади:

- кенгайиш деформацияси;
- ҳажмни йўқотиш;
- чидамлиликни йўқотиш;
- ультратовуш ёрдамида.

ENV 2006 Европа меъёрларини ишлаб чиқишида умрбоқийликнинг алоҳида кўрсаткичларини аниқлаш бўйича таклифларни ҳам кўриб чиқиш керак. Биринчи қадам – юкламалар синфини аниқлаш бўйича талифлардир, булар ҳам коррозия турини ва ташқи муҳит шароитини, ҳам бетонга таъсир кўрсатувчи агрессив ионлар таркибининг чегаравий қийматларини ўз ичига олади. Юкламалар синфи бетон эксплуатацияси шароитига боғлик.

Бетоннинг умрбоқийлиги қўйидаги чоралар билан таъминланади:

- Мос катталиқдаги тўлдирувчиларни танлаш
- Интенсив аралаштириш
- Интенсив зичлаш
- Пластификаторлар ва бетоннинг қулай жойлашувини яхшиловчи воситалардан фойдаланиш
- Келгусида бетонга зарурий қаров.

Бетон умрбоқийлигининг пасайишига асосий сабаблардан бири – бу юқори маркали цементлардан фойдаланиб, чидамлилиги паст синф бўлган бетон тайёрлашдир, бу сув цемент нисбатларининг ошиши ва паст зичлиқдаги (ғоваклар ҳажми ошган) бетон ҳосил бўлишига олиб келади.

Бу ердан кўринадики:

**Бетоннинг бир хил синфилиги тенг умрбоқийликни билдирмайди.
Юқори умрбоқийлик бетоннинг зичлигини талаб қиласи.**

Бетондан тайёрланган ташқи қурилиш элементлари умрбоқийлигига қўйидаги эришилади:

- Максимал сув цемент нисбати;
- Минимал таркибли цемент (Z_{min});
- Бетон қопламанинг минимал қалинлиги (C_{min});
- Ғовакларнинг мумкин бўлган максимал ҳажми ($V_{p\ max}$);
- Дарзларнинг мумкин бўлган максимал ўлчамлари;
- Зарурий ғовак ҳосил қилувчи максимал қўшимчалар таркиби (LP).

Агарда бетоннинг юқори умрбоқийлиги талаб қилинса, сув цемент нисбати паст, яъни бетон чидамлилигининг юқори синфидан фойдаланиш зарур.

Курилишда умрбоқийликни таъминлашнинг **амалий чоралари**:

- Пластификаторлар ва бетоннинг қулай жойлашувини яхшиловчи ва қўйидагиларни таъминловчи воситалардан фойдаланиш:
 - бетоннинг пластиклиги юқори бўлган консистенцияси;
 - юқори зичлик;
 - сув цемент нисбати пастлиги;
- Келгусида бетонга зарурий қаров:

→ берилган температура-намлик шароитларини яратиш.

Мутахассислар қурилиш материаллардан фойдаланишда умрбоқийликни таъминлаш ва бу материал табиий оғат бошланишидан олдин узоқ хизмат қилган бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Юк ва ташқи омиллар туфайли, уларни бажариш чораларини ривожлантириш, материалларнинг умрбоқийлигини амалга оширади. Шундай қилиб, нафақат моддий куч балки унинг бошқа хусусиятларини яхшилаш максадга мувофик.

Бугунги кунда қурилиш бозорида турли маҳсулотлар кўп.

Материалларнинг хизмат муддатини аниқлаш, тартибга солиш, қурилиш сифатига боғлиқ бўлиши мумкин. Коида тариқасида, умрбокийликни амалга оширишдан олдин, тадқиқотлар стандартларга мувофиқ маҳсулот хусусиятлари аникланади Мисол учун, том ёпиш маҳсулотлари, изоляция ва гидроизоляция, стандарт талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Бугунги кунда, қурилиш лойиҳалари ишга туширилиб, атроф-муҳитга салбий таъсири, қурилиш тузилмаларни ҳимоя қилиш учун мўлжалланган материаллар пайдо бўла бошлайди деб таъкидлаш лозим. Уларнинг кўриниши, сифати, қадоқланиши, фойдаланиши хавфсизлик талабларига мувофиқлигини барпо этиш учун таркибини ташкил этади.

Ҳар бир қурилиш материали ёки компоненти ва уни бирон-бир операцияда қўллашда унинг умрбокийлигига боғлиқ бўлади. Материал холати билан фарқ қиласи, шунинг учун умрбокийлик жиҳатидан баҳоланади. Сифат кўрсаткичлари, ишлаб чиқариш йиллар давомида конструкциялашган ташкил этувчи умрбоқий материалларни талаб қиласи. Бетон, темирбетон ва аввалдан кучайтирилган темирбетонли қурилиш элементларининг истеъмол қийматини баҳолаш учун, механик кўрсаткичлар билан бир қаторда, уларнинг умрбокийлиги жуда муҳим аҳамиятга эга. Механик кўрсаткичлардан фарқли равишда, бетоннинг умрбокийлигини характерлаш жуда қийин. Бундан ташқари, ҳатто атроф-муҳитнинг маълум шароитлари ва бетон хусусиятларида умрбокийлик – вақт давомида ўзгармас абсолют катталик эмасдир. Бетон тузилмаси ва хусусиятлари фақатгина атроф-муҳит таъсирлари остида эмас, балки энергетик жараён сабабли ҳам, доимий ўзгаришларга махкум, бу жараён таъсирида, бетон тузилмаси энг паст энергетик даражага (тузилма тартиби) интилади. Технологик ва конструкцион чоралар воситасида, ташқи муҳит шароитларига кўра, бундай ўзгаришлар тезлигини анча камайтириш мумкин. Бетоннинг умрбокийлик ва истеъмол қиймати шунингдек, унинг кутилаётган хизмат қилиш муддати билан узвий боғлиқдир.

Бетон умрбоқийлиги – бу барча таъсирларга бетондан тайёрланган қурилиш элементларини хизмат қилиш муддати давомида етарлича қаровидир.

Сўнгги йилларда бетоннинг умрбоқийлигига кўпроқ эътибор берилмоқда. Авваллари, бетон конструкциялар унинг технологияси аниқ асосий қоидаларига риоя қилинса, қаров талаб қилмаслиги маълум эди. Лекин, сўнгги йиллар тажрибасидан кўринади-ки, бу қоидаларга озгина риоя қилмаслик ҳам, шунингдек ташқи муҳит шароитларини нотўғри баҳолаш ёки унинг ёмонлашуви аҳамиятли

зарарланишларга олиб келади.


Ёғоч биноларнинг барқарорлигини сақлаб қолиш эмас, балки ичидағи юқори энергия билан ўз хусусиятлари бўйича доимий равишида ўзгариши, қурилишда ажратилмайдиган пенополистиролли қолип ёрдамида автобетонаралаштиргичлар ва бетоннасослар қуллаш.

Мисол учун, пластик маҳсулотлар зичлантирилганда ва ёриқларни сезиларли ёмонлашуви. шунингдек, айрим металл қотишмалари билан материаллар ишончлилик хусусиятларини сақлаб, функционал вазифаларини бажаришни белгилаб беради. Ишончлилик моддий ишлаб чиқариши, сақлаш, ташиш каби кўплаб нарсаларга боғлиқ. Уларни қўллаш орқали материаллар ишончлилигини синов орқали текшириш жараёнларини тезлаштиради.


Узоқ вақт давомида ички ва ташқи омиллар материаллар сифатини комплекс хусусиятларини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Умрбоқийлик, эгилувчанлик ёки бошқа хусусиятлари муҳим элементлар давомийлигини ўзгаришишга хукм қиласи. Шу мақсадда, намуналар ёки маҳсулотлар лаборатория ёки мураккаб механик, физик, кимёвий шароитларига ва бошқа омилларга боғдиқ. Тузилиши хақида долзарб омиллар, ёки маълум бир синов муддатидан кейин, хусусиятларида сонли қийматлар ўзгариш тезлигини белгилаш ва қиймати билан солишиши.

Умрбоқийлик хусусиятлари ўзгаришлар сабаби одатда микро ёки макро структурасининг бузилиши, оптималь умумий тузилиши бўлсада, моддий туби таркиби томонидан хукм қилинган. назариясида, мустаҳкам мақбул даражада бир вақт фаолият сақлашга материалнинг қобилиятини тушуниш жараёни шаклланади, таркибий қисми яъни, операция даври ҳисобланади.

Нима бўлишидан қатъий назар умрбоқийликни баҳолаш усули - хусусиятлари ёки тузилиши ўзгариши бўйича умрбоқийлик муддати уч босқичда бўлиниши мумкин. Биринчи босқич бошланишидан олдин таркибий элементлар хусусиятлари шаклланиши билан ифодаланади. Бу технологик жараёнларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ва шунинг учун биринчи жараён деб аталади. Моддий ҳали хизмат қилмаган бўлсада, қисқа вақт давомида жараённинг кейинги босқичлари билан солиширилганда, олдиндан тезкор даврда унинг салбий шароитда, тузилиши ва хусусиятлари ўзгарган бўлиши мумкин. Иккинчи босқич хусусиятларини яхшилаш билан характерланади, биринчи босқичи чидамли бинолар қурилишида материал, уларнинг нисбий барқарорлиги, учинчи босқич - бузилиш, Дегигратация босқичига келсак, у, деярли муқаррар вақтда жуда кам интенсивлиги билан содир бўлади.



Сув ҳаво-цемент нисбати



Сув цемент нисбати

Мақсад мустаҳкамлигини ошириш давомийлиги, бир вақтнинг ўзида заарли жараёнларнинг самарали олдини олишга эришиш, таркибининг барқарорлиги. Натижада, тузилиши ва моддий мустаҳкамлиги механик хусусиятлари ва бошқа хусусиятларига нисбатан такомиллаштириш. Эрувчан тузлар ва зич маҳсулотларни шакллантириш туфайли кимёвий реакциялар учун полимерлар асосида конгломерак ёки рекристализация.

Иккинчи босқич таркибини мустаҳкамлаш, таркибий элементларнинг концентрацияси билан тавсифланади.

Мустаҳкамлигини учинчи босқичи - ҳалокат - техник давр типик жараён. Бу конструкция кўламининг биринчи кунидан бошланиши мумкин, мустаҳкамлаш ва вақтинчалик тузилмаларни барқарорлаштириш учун босқичларни бажариш. Учинчи босқич унинг узлуксизлиги йўқолиши. Бўшлиқлар атом ва молекулалар, механик сиқилиш ривожлантириш ва бошқа иссиқлик ҳаракатини жадаллаштириш таъсири остида содир бўлади.

Кимёвий ва физик-кимёвий жараёнларда тез-тез коррозия содир бўлади. У ташки муҳит ва капиллярлар билан алоқа таъсирида металл ёки бошқа материалларда чиришни англатади. Коррозия жараёнлари жисмоний омиллар бир вақтнинг ўзида ҳаракат томонидан, масалан, материал валентлик ёки сиқилиш кучлар таъсири остида таранглик бўлса ёки ўювчи моддаси билан бирга бўлса, бундай суюқлик сифатида, моддий циклик музлаш ва суюқ ўрта эриш билан паст салбий ҳарорат таъсир этади. Дегидратация босқичи микро ва макроструктура жараёнда содир бўлади, Микроскопик молекуляр ва микромолекуляр тузилиши ҳар доим элементларини аниқлаш, ўрганиши ва тузилиши турли даражаларда амалга оширилади.

Асосий хусусиятларнинг муҳим даражасини танлашда тегишли стандартлар ва қурилиш қоидалари талабларига амал қиласди. Интенсивлиги, шунингдек ўз вазни материаллар ва иншоотларга ташки юқ таъсири, бино ва иншоотлар қуришда тебранишларга таъсир қилиш, ҳаво, карбонат газ, буғ чанг ва бошқа аралашмалар. Юқорида айтиб ўтилган омиллар билан бир қаторда, шунингдек, қуёш радиацияси, шамол, намлик, иқлим; жисмоний омиллар салбий ҳолатларни ўз ичига олади.

Унинг тузилишига одатда операцион омиллар ва материалларга реал шароитларда икки ёки ундан ортиқ комплекслар таъсир қиласди. Бундай комплекс таъсири натижасида алоҳида-алоҳида анча мураккаб, ҳар бир омилга нисбатан, хусусан, коррозия жараёнларида дегидратацияга олиб келади.

Мустаҳкамлаш иншоотларни тезкор равишда барқарорлаштириш ва дегидратация омиллари, ишлаб чиқариш муҳитида оптималь тузилиши ва таркибини лойиҳалаштириш босқичларидан иборат.

Назорат саволлари:

1. Курилиш материаллари умрбоқийлигини ошириш йўллари.
2. Умрбоқийлик хусусиятларини ўзгариш сабаблари.
3. Курилиш материалларини барқарорлигини сақлаш томонлари.
4. Дегидратация жараёни.

Фойдаланилган дабиётлар:

1. Dr. B.C. Punmia, Ashok Kumar Jain, Arun Kumar Jain. R.C.C. Designs (Reinforced Concrete Structures) Paperback – 2006. UK, 2006.
2. A.M. Neville, Properties of Concrete Fourth Edition, Pearson Education Asia pvt.,Ltd., 2000.
3. Edward Allen, Joseph Iano, Fundamentals of Building Construction: Materials and Methods, 5th Edition, London 2009.
4. Акрамов Х.А., Нуритдинов Х.Н. Бетон ва темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш технологияси. Ўқув қўлланма (лотин имлосида). I ва II қисм. Т.: Архитектура, қурилиш инновация ва интеграция маркази, 2012.
5. Қосимов Э. Қурилиш ашёлари. Олий ўқув юртларининг магистрантлари учун. - дарслик. Т.:«Mehnat».-2004, - 512 б.
6. Тулаганов А.А. и др. Нанотехнологии в производстве цемента и бетона. Ташкент, 2008. -44 с.

2- мавзу: Керамик қурилиш материалларининг умрбокийлиги. Деворбоп қурилиш материиллари.

Режа:

- 2.1.** Керамик материалларнинг чидамлиилиги.
- 2.2.** Деворбоп материалларнинг умрбокийлиги.
- 2.3.** Энерготежамкор деворбоп материалларнинг умрбокийлиги.

Таянч иборалар: кислотага чидамли, хом ашё, кликер, керамик материал, кимёвий, ғовакли, зич, кимёвий хусусиятлар, толали материаллар, деформация, иккикатламли девор конструкцияси

2.1.Керамик материалларнинг чидамлиилиги.

Мустаҳкам, сезиларли даражада чидамли, шунингдек, табиатда керамик материаллар ва қурилиш маҳсулотлари кенг тарқалган. Керамик ғовакли агрегатлар - енгил бетон асосидир. Инертли ёки кимёвий актив бўлмаган материалларда тўлдирувчи қўлланилада, улар бир – бири билан цемент ёрдамида қўшилганда бетон ҳосил бўлади. Кўп агрегатларда табиатда чақиқ тош шағал ва кул қўлланилади. Енгил тўлдирувчилар ёғоч қириндилар кўпчитилган шлак, сланцлар, вермикулит ва бошқалар асосида паст зичликдаги бетон учун фойданилади. Тўлдирувчилар икки гурухга бўлиниши мумкин: (а) йирик донадор агрегатлар ва (П) майда тўлдирувчилар.

Тўлдирувчилар сифати. Табиий тўлдирувчилар бетон конструкцияларида қўлланади. Бетон мустаҳкамлиги тўлдирувчилар мустаҳкамлигига боғлиқ. Гранит агрегати пемзага қараганда юқори мустаҳкамликга эга. Йирик ўлчамли тўлдирувчи иш характеристига қараб қўлланилади. Йирик тўлдирувчи кам бўлиши лозим бўлган, яъни R.C.C. учун тўлдирувчилар ўлчами 20 мм 25 мм гача бўлиши лозим. Тўлдиручи учта кўринишда: думалоқ; нотўғри ва бурчакли. Думалоқ агрегатда берилган бетон учун сув цемент нисбати кам талаб этилади. Бурчакли

агрегатда эса сув цемент нисбати катта талаб этилади. Сув цемент миқдори бетон мустаҳкамлигини аниқлашда катта ахамиятга эга. Агар йирик ва майдада агрегатлар яхши градацияланган бўлса, ғовакликга нисбати камаяди. Ғоваклиги 1,75 мм ўлчамдаги материал майдада тўлдирувчи дейилади. Табиий қумлар майдада тўлдирувчилар сифатида ишлатилади. Қум каръерлардан кўл денгизлардан олиниши мумкин. Каръердан олинган қумлар тозаланади.¹

Керамика, металлар ва пластмасса каби бошқа материаллардан кимёвий, механик, жисмоний, термик, электр, магнит ва бошқа хусусиятларига эга. Ишлатиладиган материаллар тури ва миқдорини назорат қилиш орқали хусусиятлари аниқланади.

Толали материаллардан фойдаланишда асосий камчиликлари, паст чидамлилик, қаршилик, маҳсус қисми ва сирт қопламаларидан (юқори ҳарорат коррозияга чидамли қопламалар термостатик) фойдаланишни талаб этиди. Керамик материаллар чидамли маҳсулотлар, эритма тўқималарининг ёки минерал аралашмаси томонидан тайёрланади. Саноатда энг кенг тарқалган қурилиш ва қурилиш материалари алюмосиликатли маҳсулотлар. Керамик материалларнинг ёнфинга қаршилиги, ғоваклиги, кимёвий минералогик таркиби ва ишлаб чиқариш усулига кўра таснифланади. Чидамли керамик оловбардош маҳсулотлар, чидамли ($1580-1770^{\circ}\text{C}$) юқори оловбардош ($1700-2000^{\circ}\text{C}$) ва юқори ёнфинга қарши (2000°C) бўлиши мумкин. Сопол чидамли маҳсулотлар ғоваклигига қараб, 3% жуда зич чидамли-ғоваклиги 3-10% ни, юқори зичликдаги чидамли 0-20% зич одатда 20-30% оловбардошли- 45-85% га бўлинади.

Керамик маҳсулотлар кислоталарга чидамли. Фишт деворларини теришда кўпинча туз эритмаси, айниқса, натрий ва магний сульфатдан фойдаланилади.

Фишт девор даврий хўллаш, қуритиш ва кимё тузилмалари таъсирида, жисмоний занглашидан вайрон бўлиши мумкин. Тизимли хўлланган юқори интенсивлиги билан содир бўлади. Фишт ишларида қоришма сифатида оҳак ва қум қўлланиланилади. Мустаҳкамликни ошириш учун аралашмани портландцемент ва оҳакдан тайёрланади. Оҳак ва қумнинг нисбати 1:1,6, оралиғида; оғир юклар учун 1:3; енгил юқ учун 1:2. Виерпел сўзларидан, терма муваффақиятли бўлиши учун цемент оҳак, гипс ва ҳаво тортувчи агентдан фойдаланилади. Бу таркиблар катта майдаликка асос бўлади. Цемент термани қулай жойлашувчанлиги ва пластиклиги оҳактош ва ҳаво ютувчанлик агентларига боғлиқ. Термацемент ишларининг енгиллиги ва уларнинг хоссалари.²


Энергия ва ресурс самарадорлиги қурилиш соҳасида замонавий техник сиёсатнининг умумий йўналиши ҳисобланади. Чора-тадбирлар комплексида бинолар конструкцияларида катта эътибор энергияни тежаш бўйича термик ҳимояга қаратилмоқда. Биноларни иссиқликдан ҳимоя қилиш учун янги стандартларга мувофиқ иссиқлик ва техник талаблари ошади. Чора-тадбирлар сифатида, энг муҳим муаммо сифатида энергия ресурсларини тежашга, юқори иқтисодий самарадорлик ва экологик хавфсизликни ишлаб чиқариш ва харидлар

² Dr. B.C. Punmia, Ashok Kumar Jain, Arun Kumar Jain. R.C.C. Designs (Reinforced Concrete Structures) Paperback – 2006. UK, 2006

² Dr. B.C. Punmia, Ashok Kumar Jain, Arun Kumar Jain. R.C.C. Designs (Reinforced Concrete Structures) Paperback – 2006. UK, 2006

хажми шаклланишига нисбатан каратиласди. Бинолар техник ишлаб чиқариш ва қурилиш мустаҳкамлиги томонидан амалга оширилиши керак. Биноларда иссиқлик ҳимоя даражасига талаблар 2,5-3,5 баробар ошди, деб аслида кам иссиқлик ўтказувчанлик билан девор материалларидан фойдаланиш керак.


Кўп қатламли девор конструкцияларини қўллашда, керамзит бетон блоклари қобик ғишт, оҳактош, тошлардан тайёрланган ва зарур иссиқликдан фойдаланишда иссиқлик изоляция материаллари (полистирол, минерал пахта ва бошқалар) билан таъминлаш



Расм-1.Икки қатламли девор конструкцияси

- а) керамик ғишт;
- б) силикат ғишт
- в) оҳактош
- г) газабетон полимер штукатуркали

Энергия тежаш, ишлаб чиқариш ва чидамлилик давомида иситиш қиймати билан аниқланади – иссиқликни талаб даражасида ҳимоясини тиклаш , шу жумладан, бинони жорий ва капитал таъмирлаш ҳаражатлари. Шу муносабат билан, энг муҳим ва газ бетон деворларни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш муаммо ҳисобланади. Оптималь технологик ечимларни тўғри танлаш эҳтиёжи ташқи деворлар, материаллар ва технологияларни ривожлантириш. Айни пайтда, иншоатларда ғишт деворларини ўрнатиш кенг ишлатилади . Ҳар бир конструкциянинг ўз афзаллклари ва камчиликлари бор, уларнинг қурилма мураккаблиги, кўп қатламли тузилиши, деформацияси ошади. Энг яхши техник ва иқтисодий ечим 300-600 кг/м³, гипс билан бирга 400-500 мм қалинлиги ўртача зичлиги билан, газбетон биринчи қатлам ташқи девор ҳисобланади.





Назорат саволлари:

1. Керамик материаллар таркибига нималар киради?
2. Толали материаллардан фойдаланишда асосий камчиликлар нима?
- 3.Керамик материалларнинг таркиби ва ишлаб чиқариш усулига кўра таснифи.
- 4.Қурилиш материаллари ва конструкцияларининг деворбоп (тўсувчи) конструкция сифатида ишлашининг ўзига хос жиҳатлари.
- 5.Энерготежамкор деворбоп материалларининг умрбоқийлигини ошириш.

Адабиётлар рўйхати:

1. Dr. B.C. Punmia, Ashok Kumar Jain, Arun Kumar Jain. R.C.C. Designs (Reinforced Concrete Structures) Paperback – 2006. UK, 2006.
2. A.M. Neville, Properties of Concrete Fourth Edition, Pearson Education Asia pvt.,Ltd., 2000.
3. Edward Allen, Joseph Iano, Fundamentals of Building Construction: Materials and Methods, 5th Edition, London 2009.
4. Акрамов X.А., Нуритдинов X.Н. Бетон ва темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш технологияси. Ўқув қўлланма (лотин имлосида). I ва II қисм. Т.: Архитектура, қурилиш инновация ва интеграция маркази, 2012.

5. Қосимов Э. Қурилиш ашёлари. Олий ўкув юртларининг магистрантлари учун. - дарслер. Т.:«Mehnat».-2004, - 512 б.

6. Тулаганов А.А. и др. Нанотехнологии в производстве цемента и бетона. Ташкент, 2008. -44 с.

3-мавзу: Бетон ва темирбетоннинг умрбоқийлиги.

Режа:

- 3.1. Бетон умрбоқийлиги.
- 3.2. Коррозия пайдо бўлишининг сабаблари.
- 3.3. Цемент тошининг коррозияси.

Таянч иборалар: бетон, тўлдирувчи, аралашма, бетон коррозияси, цемент, бетон структураси, совуқча чидамлилиги, майдалик даражаси, агресив муҳит.

4.1. Бетон умрбоқийлиги.

Бетон – жуда машхур қурилиш материалидир, ўзининг тош каби мустаҳкамлиги билан ажралиб туради. Бетон цемент, сув ва тўлдирувчилардан тайёрланади. Аралашма қотганда, у кучли бетонга айланади. Тўлдирувчи кўпинча кум ва шағал бўлиши мумкин, шунингдек турли катталик ва хусусиятларга эга. Бетоннинг структураси ва хусусияти фақат атроф муҳитнинг доимий ўзгариши билан эмас, балки энергетик жараённинг сабабларига, бетоннинг қиймати, умрбоқийлиги ва истеъмоли, шунингдек хизмат вақтига боғлиқ. Берилган миқдорда цемент, кум, шағал ва сув қоришма қотганда сунъий йўл билан олинган маҳсулот бетонни ташкил этади. Бу ингридиентларни қорилганда улар пластик массани ҳосил қиласи, қачонки талаб этилган қолипларга қуиши мумкин бўлади ва катта масса холати белгиланади. Қорилганда сув ва цементнинг кимёвий реакцияси, унинг учун маълум ҳарорат ва вақтни талаб этади. Маълум бўлган ўрта фаза ажратилиши лозим. Биринчи босқич тугалланиши учун 30 дақиқадан 60 дақиқагача (биринчи бош белгиланган вақт). Бу фаза вақтида, аралашган бетон унинг пластиклигини камайтиради ва оқимга қарши ривожланади. Иккинчи босқич тугалланган вақт 5 дан 6 соатгача ўзгариши мумкин қориш операциясидан кейин. Учинчи фаза ривожланган мустаҳкамлигини оширишдан иборат. Бу жараён тез намоён бўлади. Қорилгандан сўнг бир ой давомида бетон ўзининг потенциал қаттиқлигига ва мустаҳкамлигига эришади. Ингридиендларнинг нисбати ва сифатига биноан, қўлланилаётган қоришмалар ҳамда бетоннинг хоссалари турлидир. Бетоннинг сиқилишдаги мустаҳкамлиги етарли, лекин чўзилишдаги мустаҳкамлиги паст бўлади. Шундай қилиб, қўлланаётган оддий бетон юқорида қайд этилганидек, сиқилишидаги мустаҳкамлиги юқоридир.³

³ Dr. B.C. Punmia, Ashok Kumar Jain, Arun Kumar Jain. R.C.C. Designs (Reinforced Concrete Structures) Paperback – 2006. UK, 2006

Бетон коррозияси - сув ва намлиқ, циклик музлаш ва эриш таъсирида цемент тошни бутун тузилмасини бузиш, шунингдек, вақти-вақти билан қуритиш жараёни ва намлиқ, шунингдек аниқ контактга келганда коррозия жараёни бошланади, бу жараён турли босқичларда бетон атрофидаги мухитда мавжуд такрорларди.



Совуқقا чидамлилиги, шунингдек, цементнинг майдалик даражаси катталиги, сувнинг микдори, фойдаланиш учун сувнинг микдори қулайлик беради ва клинкерга боғлиқ. Барча клинкер компонентларида бетон учун цемент микдори 8% дан ошмаслиги керак,

Бетон коррозияси моҳияти, шунингдек, коррозияни назорат қилиш учун энг яхши тажрибаларни танлаб олинади ва аниқлаш имконини берди. Улар З аниқ тоифага бўлинган:

1. цемент тоши компонентларининг ювилиши;
2. агрессив моддаларнинг цемент тошига таъсири;
3. таъсири остида барча жараёнлари бириткириб, цемент тоши турли бирикмаларни боғлаши.

Коррозиянинг биринчи гурӯҳи (I тур коррозия)га юмшоқ сув таъсири билан бетонда коррозия жараёнлари бирлаштирилиб унда цемент таркибий қисмлари эриб сув билан оқиб кетади. Бетоннинг I тур коррозияси сув бетонда фильтрацияланганда айниқса тез боради.

Коррозиянинг иккинчи гурӯҳи (II тур коррозия) га таркибидаги кимёвий моддалар цемент тоши ташкил этувчилари билан реакцияга киришадиган сув сабаб бўладиган коррозиялар киради. Реакция маҳсуллари сувда осон эриб бириткириш хусусияти бўлмаган аморф масса сифатида оқиб кетади, ёки реакция жойида қолади. Бу гурӯҳ кислота ва магнезиал тузлар таъсирида бўладиган жараёнларни қамраб олади.

Коррозиянинг учинчи гурӯҳи (III тур коррозия)га бетон ғоваклари ва капиллярларида кам эрийдиган тузлар йигиладиган жараёнлар киради. Уларнинг кристаллашуви ғовак деворлари ва капиллярлардаги босимни ошириб бетон структураси элементларини бузади. Улар сирасига бетон кальций гидросульфоалюминат кристалларининг кўпайиши натижасида емириладиган сульфатлар таъсирида бўладиган коррозияни киритиш мумкин

Киши вақтида бетонни коррозиядан ҳимоя қилиш ишлари хизмат муддатини сезиларли ошириши мүмкін, лекин бу коррозиядан бетонни ҳимоя қилиш бир неча турдан фойдаланишини талаб қилади.



Конструкция лойиҳасида экологик омиллар ва бетон учун барча мүмкін бўлган оқибатлари инобатга олинади, кўриб чиқилади ва бетонни ҳимоя қилиш учун чора-тадбирларни амалга ошириш керак. Бетонни коррозиядан ҳимоя қилиш усуллари, тузилиши агрессив мухитларни бартараф этиш ҳисобланади. Бу, шунингдек, келажақда ҳимоя мухитларни ишончли тузилишини қуриш учун жуда самарали йўлидир. Бетон умбоқийлигига катта эътибор берилмоқда. Бетон конструкцияларига қарор талаб этилмайди, қачонки бетон технологияси қоидаларига риоя этилса. Ўзининг қаршилик механизмлари орқали бетон умбоқийлиги ёмонлашуви қўйидаги бўлимларга бўлинади: 1. физикавий (мисол совук), 2. кимёвий (масалан сульфатли қоришма), 3. биологик (масалан бактериялар), 4. механикавий (масалан механик емирилиш). Бу механизмдарнинг умумий асоси уларнинг қаршилигини жонлантириувчи намлик ҳисобланади.

Бетон 2 ҳимоя тури таснифи мавжуд:

1. Бетонни бошланғич коррозиядан муҳофаза қилиш;
2. Ўрта коррозиядан муҳофаза қилиш.

Цемент ишлаб чиқаришда қўлланиладиган асосий хом ашё материаллари:

- (А) Гилтупроқли ва силикатли алюминий ва гилли сланцлар.
 (Б) Оҳактош кўринишдаги карбонат кальций ва кальций карбонат.

Оҳак материаллари икки қисмга ажратирилиб қуруқ холатида майдаланади. Сўнг қуруқ кукун ёки айланма печда 3900°C дан то 1500°C ҳароратгача куйдирилади. Печдан олинган клинкер аввал совитилиб, тегирмонга узатилади. Гипс қўшилиб маҳсулот талаб этиладиган керакли катталиқда майдаланади.

Портландцементнинг кимёвий компонентлари қўйидагича

(CaO) 60 дан 67% гача

2 молекулали кремний (SiO_2) 17 дан 20 % гача

Гилтупроқли (Al_2O_3) 3 дан 8 % гача
 (Fe_2O_3) 0,5 дан 6 % гача
 (MgO) 0,1 дан 4 % гача
 (SO_3) 3 %
 $(\text{NaO} + \text{KIO})$ 0,5 дан 1,3 % гача

Бирикмаларнинг қисқартирилган белгиси.

1. Учкальцийли силикат $(3\text{CaO} \times \text{SiO}_2)\text{C}_3\text{S}$
2. Иккикальцийли силикат $(2\text{CaO} \times \text{SiO}_2)\text{C}_2\text{S}$
3. Учкальцийли алюминат $(3\text{CaO} \times \text{Al}_2\text{O}_3)\text{C}_3\text{A}$
4. Тўрткальцийли алюмоферид $(4\text{CaO} \times \text{Al}_2\text{O}_3 \times \text{Fe}_2\text{O}_3)\text{C}_4\text{AF}$

Юқорида қайд этилган бирикмаларнинг нисбати турли. Тугалланиш жараёнида учкальцийли силикатнинг мустаҳкамлиги катта. Портландцементнинг бошланғич қотиш даврида учкальцийли силикат билан белгиланади. Учкальцийли силикат тез эрта қотишга мойил. Учкальцийли алюминат 24 соат давомида ўз ҳиссасини қўшади. Кальций оксид барча бирикмалари алюмоферридга нисбатан иссиқлик ажратиб ва сув билан қорилганда кўп иссиқликни чиқаради.⁴

Бетон конструкцияларнинг умрбоқийлиги ташқи ва ички омиллар билан аниқланади.

Ички омиллар:

Бетоннинг асосий бирламчи компонентлари;

Цемент (CaO , SO , $\text{N}=\text{N}_2\text{O}$ – экв);

Тўлдирувчи (актив бўлиши мумкин $\text{K}_2\text{O}+\text{N}_2\text{O}$).

Ташқи омиллар:

Намлиқ;

Температура;

Ҳаво ва сувнинг ифлосланиши;

Кимёвий қаршилик.

Қўшимчаларнинг таркибини танлашда аниқ шароитга қараб асосланади.

Кўпинча бетон хусусиятларини ўзгартириш, бетон устида мураккаб таъсири бор қўшимчаларни ишлатмаслик.



⁴ Dr. B.C. Punmia, Ashok Kumar Jain, Arun Kumar Jain. R.C.C. Designs (Reinforced Concrete Structures) Paperback – 2006. UK, 2006



Табиий шароитда бетонга бир қанча омилларнинг таъсирини кўриш мумкин. Лекин уларнинг бирортаси бошқасидан қўра кўпроқ таъсир қиласди.

I тур коррозия девори юқа ва сув босими шароитида ишлатиладиган конструкциялар учун айниқса хавфли бўлади. Бундай шароитда цемент тошининг таркибий қисмлари эриб сувда ювилиб кетиши мумкин. Цемент гидратациясининг айниқса осон эрийдиган маҳсули кальций оксидининг гидрати ҳисобланади ва унинг ювилиши цемент клинкерининг гидролизига сабаб бўлади. Биринчи навбатда уч кальцийли ва икки кальцийли гидросиликат каби кўп асосли сўнг паст асосли бирикмалар емирилади.

Гидроалюминатлардан тўрт кальцийли алюмоферрит ($C_4A\Phi$) камроқ чидамли бўлади.

Бетондаги кальций гидроокисининг ажралиши бетон қоришма қисми мустаҳкамлиги йўқолишига сабаб бўлади. Бетон 33% CaO йўқотганда унинг емирилиши бошланади. Бетон коррозиясининг тезлиги бетонни ювадиган сув оқими тезлигига тўғри пропорционалдир. Бироқ оқим тезлиги катта бўлганда ишқор ювилиш асосан CaO ни бетон юзасидан ажралиш тезлигига боғлиқ бўлади. I тур коррозия жараёнининг ўтишига сув – муҳитнинг кимёвий таркиби катта таъсир қиласди. Сувдаги туз цемент тоши элементлари билан реакцияга киришмаса ҳам аралашманинг ионли кучини ошириб CaO ишқор ювилишини тезлаштиради. Аралашмада кальций тузи ($CaHCO_3$) $CaCO_3$) ишқор ювилиш тезлигини камайтиради. Шунинг учун бетон карбонланганда I тур коррозиянинг ривожланиш тезлигини камаяди. Бетоннинг I тур коррозияга чидамлилиги ишлатилаётган цементнинг кимёвий таркибига ҳам боғлиқ бўлади Агар емирилиш цементнинг таркибий қисмининг эриши натижасида содир бўлса, яъни CaO нинг кўп қисми еритмага ўтса, портландцементда юқори асосли бирикмалар (алит C_3S , белит C_2S) нинг кўпроқ бўлиши цемент тошининг чидамлилигини камайтиради.



Расм. Гидросиликат кальций



Цементга фаол гидравлик қўшимчалар (трепел, трасс ва ҳ. к.) қўшиб ҳам бетон чидамлилигини ошиrsa бўлади. Мазкур моддалар $\text{Ca}(\text{OH})_2$ ни эrimайдиган бирикмага айлантириб CaO ювилишини камайтиради. Бундан ташқари юқоридаги қўшимчалар бетоннинг сув ўтказиш хусусиятини ҳам камайтиради. Пуццолан портландцемент сув билан совуқнинг бирга таъсири истисно қилингандагина I тур коррозиясига чидамли бўлишини ҳам айтиб ўтиш зарур.

Бетоннинг I тур коррозиясига чидамлилигини ошириш учун қуйидагилар ишлатилади: а) зичлиги юқори бетон; б) бетон юзасини табиий ёки сунъий карбонизатсиялаш; в) махсус, хусусан, пуццсоланцемент; г) бетон юзасини гидроизолятсиялаш; д) бетонни қоплаш ёки махсус воситаларни шимдириш.

Коррозиянинг II турида бетон кетма-кет емирилмайди. Бетоннинг ташқи муҳитга очик юзасида гидратланган цемент тоши структура элементлари, баъзан еса cement клинкерининг гидратланмаган зарраси бузилади. Янги ҳосил бўлган моддаларда агрессив муҳитнинг киришига қарши турадиган боғловчи хусусият ҳам этарли зичлик ҳам бўлмайди. Улар ювилиб ёки эриб бетоннинг ички қатламлари очилиб қолади.

Табиий сувда коррозиянинг корбонат ангидритли сув таъсири билан бўладиган тури қўпроқ учрайди. Карбонат ангидрит H_2CO_3 ҳамма сувда бўлади. Сувнинг ўзи ва тупроқда бўладиган жараёнлар сувда карбонат ангидритни ҳосил қиласди.

Карбонат ангидритда диссоциация икки босқич билан бўлади:



Аралашмада водород ионлари (H^+) нинг кўпайиши реактсиянинг мувозанатини бузади, шунингдек $\text{HCO}_3^- \rightarrow \text{H}_2\text{CO}_3$, $\text{CO}_3^{2-} \rightarrow \text{HCO}_3^+$. Водород ионларининг камайиши аксинча карбонат ангидритни ҳосил қиласди. HCO_3^- ва CO_3^{2-} .

Аралашмадаги турли pH асосий шакли турлича бўлиши характерлидир: pH>8, 4 бўлганда сувда карбонат ангидрит H_2CO_3 бўлмайди, pH<6, 5 бўлганда H_2CO_3 асосий шакл, pH<4 да HSO_3^- йўқ бўлади, pH>6, 5 да HSO_3^- - асосий шакл, pH>11 да $-CO_3^{2-}$ асосий шакл. Аралашмада барқарор ҳолат HSO_3^- бўлиши учун унда маълум миқдорда CO_2 бўлиши керак. H^+ , CO^{23-} ва HSO_3^- мувозанатга келган сув карбонат пленкани эритмайди, яъни, цемент тошига нисбатан агрессив эмас. CO_2 мувозанатдаги ҳолатидан ошганда карбонат пленкани эритадиган шароит яралади, яъни сув бетондаги цемент тошига нисбатан агрессив хусусиятга эга бўлади.

Цемент тоши фазаларининг углерод икки оксиди билан реакцияси карбонизация дейилади.

Бунда фазалар карбонатга айланади ва реакциянинг бошқа маҳсулотлари цемент тоши тузилмасининг ўзгаришига ва эритманинг ғоваклардаги pH кўрсаткичини камайишига олиб келади.

Бетоннинг кимёвий қаришини билдирувчи карбонизация арматураланмаган бетон учун аҳамиятга эга эмас. Бу кимёвий реакцияга факат пўлатдан фойдаланилганда эътибор қаратиш лозим. Бетон қуйилгандан сўнг, қотиш учун сувнинг pH кўрсаткичи, оҳак билан тўйинган аралашма ҳосил бўлиши ҳисобига, 12,5 гача бўлган қийматга ошади. Уч кальцийли (C_3S) ва икки кальцийли (C_2S) силикатларнинг гидратациясида, биринчи навбатда, кальций гидроксида ($Ca(OH)_2$) ажralиб чиқади. Кейинги гидратацияларда ҳам ўзгаришлар йўқ. Шундай қилиб, ғовак суюқлиги барқарор юқори қийматли pH кўрсаткичи 13,5 билан характерланади, бу кальций гидроксидининг тўйинган ишқор таркибли аралашмасига мос келади.

Ер атмосферасида мавжуд бўлган кислота ҳосил қилувчи газлар: углерод икки оксиди (CO_2) ва олtingугурт икки оксиди (SO_2) намлик иштироқида бу юқори ишқорий муҳитни нейтраллашга интиладилар. Шу билан унинг пўлатга нисбатан ҳимоя таъсири камаяди ва ҳаво, кислород намлиги таъсирида, бетон таркибидаги пўлат коррозияси бошланади.

1916 йилдан маълум-ки, “темирбетондаги арматуранинг ишончлилик ҳолатининг ўта муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, арматура коррозияси масаласига максимал эътибор бериш жуда долзарбдир”.

Карбонизация – бу кимёвий жараён, деярли ҳар доим бу жараён темирбетон умрбоқийлигини ёмонлаштирувчи жараён сифатида кўриб чиқилади. Бунда, карбонизация ижобий таъсирга ҳам эгалигини ҳисобга олиш зарур, у цемент тошини қотириш жараёнининг чуқурлашувига олиб келади.




Шундай қилиб, карбонизация бетонга ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатади.

- **Ижобий:**
 - қайта ҳосил бўлувчи кальций карбонати $\text{Ca}(\text{OH})_2 \rightarrow \text{CaCO}_3$ ҳисобига, ҳажмнинг ошиши натижасида бетон структураси зичлигининг ортиши $\Delta V = +11\%$.
 - ғовакларнинг умумий ҳажмини 20...28% га камайтириш ҳисобига, сув ва газ ўтказувчанликни ошириш.
 - цемент марказига кўра, бетон чидамлилиги (β_D , β_{BZ} , β_Z) ни 20...50% га ошириш.
- **Салбий:**
 - ғоваклардаги эритманинг pH ни камайтириш, натижада пўлат коррозияси хавфи туғилади. Коррозиянинг ҳосил бўлган махсулотлари, бетоннинг арматура бўйлаб дарз кетишига олиб келди.

Цемент тошдаги гидратли янги ҳосилалар карбонизацияси

Термодинамик нуқтаи-назардан, гидратациянинг барча махсулотлари карбонлашади.

- Хона температурасида “Цемент тоши - CO_2 ” тизимида қўйидагилар барқарор фазалардир:



Бу усулда бетон, шунингдек, қатлам-қатлам қилиб кўчирилади ва майдаланади. Кукун сувда ушланиб, электродлар (потенциални ўлчаш) ёрдамида сувли аралашма pH аниқланади.

2.6. Карбонизацияси – бу муаммо-ми?

Сўнгти йилларда туғилган, карбонизация (шунингдек, нейтрализация) оқибатида бетоннинг емирилиш муаммоси, асосан, қўйидаги сабаблар билан тушунтирилади:

- Жуда юқори чидамлиликка эга цементлар таркибининг ортиши билан.
- Жуда юқори чидамлиликка эга цементлардан фойдаланиб, бетоннинг аниқ чидамлилигига эришиш учун, цемент миқдорини камайтириш керак. Амалиётда

кўпинча бунинг ўрнига, цемент миқдори ўзгаришсиз қолади, бетоннинг яхши тушишини осонлаштириш учун пластикроқ бетондан фойдаланилади. Бунинг оқибатида, юқори сув-цемент муносабатига кўра, бетон ғоваклилиги ошади, натижада бетон ўтказувчанроқ, демак, чидамсизроқ бўлади.

- Кўпинча, арматура устидаги бетон қатламининг етарли қалин эмаслиги.
- Ҳаводаги CO_2 миқдорининг сезиларли ошиши.
- 19-аср бошидан бўён, ҳаводаги CO_2 миқдори 280 ppm дан (0,028 %) ўтган асрнинг 80-йиллар ўрталарида, 350 ppm гача (0,035 %) ошган, бу индустрIALIZация ва аҳоли сонининг ортишига кўра, ёқилғи турлари истеъмолининг ҳам ортиши билан тушунтирилади.
- Ҳаво таркибида миқдори ошиб бораётган, бошқа заарли моддалар (NO , NO_2 , SO_2) нинг қўшимча таъсири остида.
- Бетон тайёрлаш технологиясининг бузилиши.

Арматура пўлатининг пассивлашуви ва коррозия

Бетоннинг ғовакли тузилмасида мустақил буғланувчи сув мавжуд, у ташки мухит намлиги билан тенг вазнададир. Шу нуқтаи-назардан, пўлат арматуранинг коррозияси учун маслаҳатларни кўриб чиқиш қизиқдир.

Бетон ғовакларида суюқлик, асосан, $\text{Ca}(\text{OH})_2$ нинг тўйинган эритмаси ва ишқорлардан ташкил топган, улар цемент гидратацияси маҳсулотларини уларнинг эрувчанлиги билан ютади.

Бетон ғовакларидаги суюқлик одатда $\text{pH} \approx 12,5$ дир, лекин ишқорлар мавжуд бўлганда, бу кўрсаткич 13 гача ортиши мумкин.

Шундай юқори ишқорийликка эга цемент тоши билан арматуранинг тўлиқ қопланганлиги (пўлатга агрессив таъсир кўрсатувчи ионларсиз), арматура пўлатида тўлиқ пассивлашуви қоплама қатлами ҳосил бўлади. Бу пассивлашуви қатlam Fe_2O_3 ва Fe_3O_4 дан таркиб топган, 1....1,5 nm қалинликда кўринмас оксидли плёнкадир.


Бу қатlam коррозиядан идеал ҳимояни таъминлайди.

pH нинг 11,5 дан 13,8 гача бўлган қийматлари диапазони бетондаги пўлатнинг ўз-ўзини пассивлашувига олиб келади.

Одатда, бетондаги пўлат узоқ муддат давомида, бошқа ҳимоя воситаларисиз ҳам коррозиядан ҳимояланади. Бетоннинг пўлатга ҳимоя таъсири қўйидагилар билан тушунтирилади:

- Биринчидан, ғоваклардаги суюқликнинг юқори ишқорийлиги.
- Иккинчидан, бетон қопламанинг изоляцияловчи хусусиятлари.

Ғоваклар суюқлигининг нейтраллашувига олиб келувчи жараёнлар рН ни пасайтиради.



рН ≤ 9 бўлган қийматда, пўлат ўз инертигини йўқотади ва кислород мавжудлигига унинг коррозияси бошланади. Арматура коррозияси, сезиларли эмирилишларга олиб келади, мисол учун, Берлин конгресси ёки Мюнхендаги олимпия иншоотлари бинолари ҳолатида.

рН қийматининг пасайиши, яъни OH ионлари концентрацияси камайиши ғовакли бетоннинг гидротермал қайта ишланишида юзага келади. Ca(OH)₂ жуда майда қум билан деярли тўлиқ боғланади, ғовак аралашмаларида деярли Ca(OH)₂ мавжуд эмас. Шу сабабли, ғовакли бетон арматура антикоррозия воситалари билан қайта ишланиши керак.

Пўлат арматура коррозияси қуидаги шартлар мавжуд бўлганда, бошланади:

- Электролит (нам бетон) мавжудлиги.
- Пўлат юзасидаги ўз ҳимоя таъсири ёки хлоридлар мавжудлигини инерт қатлам билан йўқолиши.
- Кислороднинг пўлатгача кириб бориши.
- Метал юзасининг алоҳида қисмларида орасида потенциаллар фарқининг мавжудлиги (локал элементлар ҳосил бўлиши, бу амалда хар доим бўлади).

Пўлат арматура коррозияси ҳосил бўлмайди:

- Сувда ёки жуда нам муҳитда (карбонизация юзага келмайди).
- Жуда қуруқ шароитларда (масалан, қуруқ ички хоналарда), чунки бундай шароитларда электролит мавжуд эмас.

Сақловнинг ўзгарувчан шароитларида коррозиянинг сезиларли хавфи туғилади, чунки бунда коррозиянинг алоҳида параметрлари учун оптималь шароитлар юзага келади.

Электрокимёвий коррозия

Электролит (сув) мавжудлигига ионлар эрийди ва ташқи муҳит атом ва молекулалари билан реакцияга киришади. Бунда металл ўз моҳиятини йўқотади. Пўлат ҳолатида эса, бу “занглаш” дейилади.

Бетондаги пўлатнинг коррозияси


Пўлат юзасида анод ва катод зоналари ҳосил бўлади, улар асосий метал орқали қисқа туташади.

Аралашмада реакцияга киришмайдиган ионларнинг бўлиши (Cl^- , Na^+ ва х. к.) аралашманинг ион кучини ошириб юборади, реакцияни тезлаштиради ва кўп миқдордаги CaHCO_3 ни эритади. Агар бетонга турғун ёки секин оқадиган сув таъсир қиласа бетоннинг юзасида карбонат мувозанат ҳосил бўлади, яъни эмирилиш секинлашади. Сув тез оққанда реактсиянинг секинлашиши таъсирга учровчи юзанинг камайганлиги сабабли юз беради, аралашмада OH^- ионлар камайиши CaHCO_3 ни CaCO_3 га айлантириб чўкма ҳолатига келтиради. Цемент тошида OH^- концентрацияси қанча юқори бўлса агресив сувнинг юза қисмida тез алмашиниши уни шунчалик тез емиради.

Бундан хulosса қилиш мумкинки, олдинига портландцемент ва пуццсолан портландцементидаги цемент тошининг бузилиш тезлиги бир хил бўлади, сўнгра пуццсолан цементли цемент тошида унинг бориши камаяди. Нимагаки суюқ фазада унинг таркибидаги гидроксил ионлар (OH^-) анча кам бўлади. Шу сабабли гил тупроқ цементли бетон II тур коррозияга чидамлироқ бўлади. Бунда бетон ва коррозия маҳсулининг зичлиги айниқса аҳамиятли бўлади.


Карбонат ангидритли коррозия шароитида бўладиган коррозия жараёнига хulosса ясад айтиб ўтиш керакки, агресив H_2SO_4 қанча кўп бўлса аралашманинг кислоталик хусусиятлари ортиб коррозия тезлашади.

Бетонга ноорганик кислоталарнинг таъсири ҳам II тур коррозияга сабаб бўлади ва бетон цемент тошини тўла емириб I тур коррозияга ўтиши мумкин.



Кислотанинг турига қараб реакция вақтида турли тузлар ҳосил бўлади. цемент тошининг эмирилиши калтсий тузларининг эрувчанилигига боғлиқ бўлади. Реакция моддаларининг ерувчанилиги юқори бўлганда цемент тошининг эмирилиши тезроқ бўлади. Бу ҳолатдаги коррозия тезлиги агресив муҳитнинг реактсияга киришув даражаси, унинг бетон юзасида алмашиниши ва муҳит билан сement тоши бир-бирига таъсир қилувчи юза билан чегараланади. Агар реакция моддалари кам эрувчан бўлса улар реакция жойида, яъни бетон юзасида қолиб агресив муҳитни бетон ичкарисига киритмай коррозия тезлигини секинлаштиради.

II тур коррозия жараёни ривожланишига цемент тоши юзасида аралашма алмашиниш тезлиги катта таъсир қиласа. Алмашиниш тезлиги ва кислота концентрацияси кам бўлганда ($\text{pH}>4$) кислотанинг кальций гидроксиди билан таъсири тўла давом этади



Шундан сўнг қоришига нейтраллашиб $Ca(OH)_2$ ериди, $CaCO_3$ ҳосил бўлади ва шундан сўнг II тур коррозия жараёни I тур коррозия жараёни билан алмашади. Катта тезлик шароитида агрессив аралашма билан сement тошининг туташиш майдони ҳамда агрессив муҳитнинг оқиш тезлиги коррозия тезлигини чегараловчи омил бўлади. цементни кам концентратсияли кислоталарга чидамлилиги бўйича қуидаги тартибда жойлаштириш мумкин: гилтупроқли, путтесоланли, портландцемент ва бу тартиб I тур коррозия билан бир ҳилдир. Бунинг сабаби III тур коррозия I тур коррозия билан бирга бўлади ва бу жараёнда I тур коррозия асосий рол ўйнайди. Кислоталар концентрацияси ошганда цементлар чидамлилиги орасидаги фарқ деярли билинмайди. Бундан шароитда кислотага чидамли маҳсус цемент чидамли ҳисобланади.

Ҳимоя воситалари сифатида бундай ҳолатда маҳсус боғловчиларни ишлатиш ва юза қисмни бўёқ, қоплама ва бошқа материаллар билан изолятсия қилиш воситасидан фойдаланилади.

III тур коррозия бетон капиллярлари ва ғовакларида кам эрийдиган тузлар ҳосил қилиб улар ўз навбатида бетон структурасини бузувчи босимни келтириб чиқаради. Бетонга сульфатлар таъсир қилгандаги шундай маҳсулотлардан гипс ва кальций гидросулфоалюминатни айтиб ўтиш мумкин ва улар икки ҳил кўринишда учрайди:



ва



III тур коррозиясининг бошланишида кристаллсизмон тузлар ҳосил бўлганлиги боис бетон зичлашиб боради. Зич бетонда тузларнинг кўпайиши секин боради ва коррозия бўлаётганлигини баъзан бир неча йилдан сўнггина билиш мумкин. Ғовакли бетонда жараён тезроқ бориб бир неча ҳафта ёки ойдан сўнг тоўла кўринишга ўтади.

Микро ва макро ғоваклар, очиқ ғовакларнинг мавжудлиги III тур коррозиясининг ривожланишига катта таъсир қиласи. Бироқ цемент тошининг агрессив муҳитга таъсиридаги майдон ўлчами ва унинг кимёвий таркиби ҳам муҳим рол ўйнайди. Сульфат таркибли сув ҳамма жойда учрайди. Чучук сувли кўл ва дарёларда SO_4^{2-} таҳминан 60 мг/л миқдорида бўлиши мумкин. SO_4^{2-} 100 мг/л бўлган сув жуда кам учрайди ва мавжудлари ҳам маъданли сувлар ҳисобланади. Таркибида туз миқдори 33-35 г/л бўлган дengiz сувида SO_4^{2-} 2500-2700 мг/л бўлади. Табиатдаги сувда SO_4^{2-} миқдори Ca, Na, Mg ларни ериши билан боғлиқ бўлади.

Сувда сульфатларнинг бўлиши цемент тоши ташкил етувчиларини ерувчанлигини ошириб I тур коррозияни тезлаштиради ва алмашиниши реакциясига олиб келиб II тур коррозияга сабаб бўлади. Маълум шароитларда III тур коррозия ривожланади.

Таркибида сульфат даражаси $CaCO_4 > 2100$ мг/л бўлган сувга теккан бетон унга тўйиниб $CaCO_4 \cdot 2H_2O$ ҳосил бўлади.

Бетонда ҳосил бўладиган комплекс тузлардан сувнинг 30-32 молекуласини бириктириб ҳажмини анча оширадиган кальций гидросульфоалюминат (КГСА)

айниңса хавфлидир. Ушбу туз ҳосил бўлишида аралашма ҳолатида келган ёки сульфат билан $\text{Ca}(\text{OH})_2$ ўртасидаги реакция натижасида ҳосил бўлган цемент тошини гидроалюминати ва гипс иштирок этади. Аралашмада SO_4^{2-} концентрати қанча юқори ва цементда C_3A (уч кальцийли алюминат) кўп бўлса кальций гидросулфоалюминат ҳосил бўлишига шароит шунчалик яхшиланади.

$\text{SO}_4^{2-} > 2500$ мг/л концентрацияда КГСА ҳосил бўлиб бетоннинг хусусиятларига таъсир қиласди. КГСА ҳосил бўлиш реакциясининг тўла ўтиши аралашмада кальций гидроалюминат ($\text{C}_3\text{A}\cdot\text{aq}$) нинг ортиқча бўлишига боғлиқ бўлади. Яъни $\text{SO}_4^{2-}/\text{C}_3\text{A} = 1, 04$. Агар C_3A талаб қилинган миқдордан кам бўлса КГСА миқдори реакция жойида C_3A мавжудлиги билан чегараланади. Агар C_3A талаб қлинганидан ошиб кетса КГСА миқдори реактсия жойидаги SO_4^{2-} ионлар миқдори билан чегараланади.

Аралашмада КГСА таркибий қисми билан реакцияда иштирок этмайдиган тузлар (NaCl , NaNO_3 , KCl ва бошқалар) нинг мавжудлиги аралашманинг ион кучини оширади, демакки, реактсияланувчи моддалар ва реактсия маҳсулининг эрувчанлигини оширади, яъни КГСА ҳосил бўлиши ва кўпайишига тўсқинлик қиласди. Юқорида айтиб ўтилгандек, КГСАнинг ҳосил бўлиши ва кейинчалик 30-32 сув молекулалари билан кристалланиши қаттиқ фаза ҳажмининг кескин ошганлиги билан боғлиқдир. Реакцияда C_3A иштирок этганда ҳажмнинг ошиши таҳминан 1, 63, C_3A билан $\text{Ca}(\text{OH})_2$ иштирокида еса 2, 27 мартани ташкил этади.

III тур коррозияда олдинига бетон юзасида гипс кристалларидан юқа пленка ҳосил бўлади сўнг тўпланган гипс ва КГСАнинг кристаллари қатлам бўлиб цемент тошининг ичида тўпланади.

Гипс одатда $\text{Ca}(\text{OH})_2$ тўпланган жойда йигилади. Ҳосил бўлган гипс ва КГСАнинг кристаллари цемент тоши ғоваклари деворига босими ортиб юзасига параллел бўлган бузилишлар, яъни дарз, ёриқларни ҳосил қиласди ва бетон аста эмирилабойлади.

Бетон нисбатан кўп сувга бириктирилганда $\text{Ca}(\text{OH})_2$ ва CaCO_4 лар ериб босим камаяди бироқ $\text{Ca}(\text{OH})_2$ ва коррозия маҳсулининг ювилиши натижасида бетонни бузилиш мумкин. Бу ҳолатда III тур коррозияга I тур коррозия қўшилади. Қотаётган цементда $\text{Ca}(\text{OH})_2$ бўлиши III тур коррозиянинг кимёвий жараёни ва янги моддаларнинг кенгайиш даражасига таъсир қилганлиги учун минерал таркиби турлича бўлган цемент бундай шароитда турли даражада чидамли бўлади. Алиталюминатли цементларнинг чидамлилиги белитли ва сульфатга чидамли цементларга нисбатан камроқ бўлади. Гил тупроқли цементнинг III тур коррозияга чидамлилиги кучлироқ бўлади.


Пуццоланли портландцементнинг ҳам чидамлили юқори ҳисобланди. Унинг таркибида $\text{Ca}(\text{OH})_2$ камлиги кўп асосли гидроалюминат ҳосил бўлиши ва мавжуд бўлишига имкон бермайди, баъзан еса КГСА ҳосил бўлишига йўл қўймайди.

III тур бетон коррозиясига қарши тадбирлар қуйидагилардан иборатдир: цементни конструкциянинг ишлаш шароити ва муҳитнинг агрессивлик даражасидан келиб чиқиб танлаш; ҳавони тортувчи, пластиковчи ҳамда $\text{Ca}(\text{OH})_2$ ва CaCO_4 ларни эрувчанлигини оширувчи CaCl_2 , ЧБ, СДБ каби кремниёрганик қўшимчаларни қўшиш; турли усуллар билан бетоннинг зичлигини ошириш, шу жумладан С/ТС нисбатини камайтириш ва зичловчи қўшимчалар қўшиш.


Агар айтилган воситалар ҳимояни таъминлай олмаса бетон юзасига сув келиш йўлини ёпиб қўйиш, яъни юза қисмни ҳимоя қилиш лозим. Турли тадбирларнинг бетонни агрессив мухит таъсиридан ҳимоя қила олишдаги самараси лаборатория тажрибалари ёрдамида аниқланади.

Бетондаги арматура коррозияси. Бетоннинг арматурага нисбатан ҳимоя хусусияти цемент тошининг пўлатни пассивлай олиши билан аниқланади. Маълумки, кўпчилик ҳолларда металлар коррозияси электромеханик механизм бўйича содир бўлади ва у юзага келиши учун қуйидаги шароит мавжуд бўлиши керак:

- 1) металл юзасида потенциалларнинг турлича эканлиги;
- 2) металл юзаси қисмларининг турли потенциаллар билан электролит алоқаси мавжудлиги;
- 3) қуйидаги реакция бўйича металлни емирадиган юза анод қисмларда юзани фаол ҳолатда бўлиши




- 4) металл юзасидаги катод қисмларда ортиқча электронларни ассимиляция қилиш учун деполяризатор микдори, хусусан, кислороднинг етарли эканлиги



Биринчи шарт доим бажарилади, чунки техник металларнинг структураси турлича бўлади. Ички юзаси фаол ва гидрофил капилляр-ғовак жисм кўринишдаги пўлат билан бетоннинг боғланиш шартлари ҳам ҳар хил. Шунинг учун 2-3 коррозия жараёнлари бетонда ҳам юз беради деб айтиш мумкин. Ҳақиқатан, цемент гидратациясида кимёвий боғлангандан ташқари бетонда физик боғланиш. Бетондаги физик боғланган сув, кимёвий боғлангандан фарқли равишда, пўлат юза қисмлари орасидаги анод ва катод зарядларни электролит – ўтказувчи вазифасини бажаради ва унинг микдори бетоннинг хусусиятлари, мухит ва конструкция билан ўзаро таъсир шароитига боғлиқ бўлади. Бетон сувга етарли равишда узоқ туширилганда унинг капилляр ва ғоваклари сувга тўла тўйинади. Бу ҳолатда ғоваклар қанча кўп бўлса сув микдори ҳам шунча кўп бўлади.



Босимсиз бир томонлама алоқада, яъни капиллярлар сувни шимганда бетоннинг тўйиниши даражаси одатда камроқ бўлади. Нимагаки сувнинг сўрилиш баландлиги капиллярлар кесмасига тескари боғлиқ бўлади. Одатда макрокапилляр деб аталадиган радиуси $1 \cdot 10^{-5}$ дан ошиқ бўлган капиллярлардаги тўйинган буғ босими деярли буғнинг ясси юзадаги босимига teng. Шунинг учун бундай капиллярлар сувни сўриб олмайди ва сув босими ёки бетонда конденсат ҳосил бўлгандагина сувга тўйиниши мумкин.




Конструкция нам ҳаво шароитда эксплуатация қилинганда унинг таркибидаги сув миқдори нисбий намликка боғлиқ бўлади. Намлик миқдори 100 фоизга етганда бетондаги сув миқдори капилляр сўрилиш вақтидаги миқдорга яқинлашади. Намлик камайганда бетондаги сув даражаси ҳам камаяди. Бетондаги пўлат учун, очик турган пўлатда бўлган каби, ҳаво намлигининг критик чегараси мавжуд бўладики ўша даражадан кам боғланганда намлик пленкаси ионларни анод ва катод қисмларга ўтишини таъминла олмайди. Бетонда бу кўрсаткични камайтирадиган гигроскопик моддалар, масалан хлор тузлари қўшимчалари бўлмаса, бетон учун бундай чегара ҳавонинг 50-60% намлиги ҳисобланади. Шундай қилиб бетонда доим коррозия ўтиши учун этарли даражада сув бўлади.

Кислородга тўхталаған бўлсак, унинг етишмаслиги пўлат коррозиясини чегаралаб қўйиши мумкин, тадқиқотлардан маълум бўлдики бу ҳолат бетон сув билан деярли тўла тўйиниб кислород диффузияси кескин секинлашганда содир бўлади. Зичлиги юқори бўлган бетонларда ($C/TC < 0,5$) ҳавонинг намлиги 80-85 фоиздан ошса ҳам коррозия камаяди. Кўпчилик ҳолларда бетон ғоваклари арматура коррозияси бўлиши учун этарли даражада ҳаво ўтказиб туради.

Пўлат коррозиясининг тезлиги бу ҳолат учун pH ва кислород миқдори билан баҳоланадиган сув-муҳитнинг агрессивлик даражасига боғлиқ бўлади (1.-расм). Бетондаги пўлатда коррозия бўлмаслиги унинг ишқорли муҳитда пассив бўлиши билан изоҳланади, яъни юқорида келтирилган реакцияда эримайди. Агар у ёки бу сабаб билан арматуранинг юзаси фаол бўлиб қолса ёки конструкцияни тайёрлаш вақтида тўла пассивланмаса ёки конструкцияни эксплуатация жараёнида пассивлигини юқотса бетондаги арматуранинг коррозияси юз беради.

Бетондаги пўлат пассивлигини сақлаш учун у ишқорлилигининг водород кўрсаткичи $pH \geq 11,8$ бўлган ғовак суюқлиги билан доим контактда бўлиши керак. Бу шартга одатда портландсеметли зич бетон ва унинг бошқа турлари (шлакопортландцемент, пуццоланли портландцемент)да риоя қилинади. Улар сув билан кориштирилганда кальций оксидининг гидрати билан тўйинган $pH \geq 12,6$ мм аралашма ҳосил бўлади. цемент ҳамирининг тишлишиши ва қотиши вақтида pH 13, 5-13, 8 даражагача этиши мумкин. Бу ҳол сement тошининг кристалли туташувини ҳосил бўлиши учун асос бўладиган суюқ фазанинг ортиқча тўйиниши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Қотган бетонда ғовак суюқлиги pH миқдори 12-12, 5 ни ташкил этади ва у pH нинг критик ко'рсаткичи ҳисобланмиш 11, 8 дан анча баланд.




1. -расм. Пўлат занглаши V_3 тезлигининг таркиби кислород бўлган pH қориши масига боғлиқлиги

1-юқори; 2-ўртча; 3-паст; 4-кислород иштирок этмагандан.

Портландцементда тайёрланиб нормал усулда қотган оддий зич бетонда ортиқча калтсий оксидининг гидрати миқдори анча кўп бўлади ва тахминан сement массасининг 10-15 фоизини ташкил этади. Бундан ташқари цемент клинкери заррасининг тўла гидратланмаган шаклида «клинкер фонди» ҳам кўп вақт давомида сақланиб туради ва бирор сабаб билан сарфланаётган бўлса, ундан бетондаги $\text{Ca}(\text{OH})_2$ захираси тўлдириб турилади.

Агар цементда фаол гидравлик қўшимчалар бўлса (пуццолон,

шлакопортландцемент) кальций оксидининг гидрати кўп қисми у билан боғланади. Тўлдирувчи гидравлик фаол бўлганда ҳам шундай ҳолат содир бўлади. Ғовакли майдаланган керамзит ёки перлит қуми, айниқса уларнинг чангсимон фракцияларида шундай хусусият бўлади. Кальций оксидининг гидратини боғланиши бетонга иссиқ билан ишлов берилганда анча тезлашади ва ғовак суюқлигининг pH даражаси сезиларли пасаяди. Юқори даражадаги мустаҳкамликка кальций оксидини гидрати майдаланган қум кремнеземи, кул ва шлак билан боғлаш орқали эришиладиган автоклавда қотувчи – ячейкали ва силикатли бетонларда pH даражаси пасайиб кетади. Автоклавда қотган бетонлар бир йил табиий атмосфера шароитида сақланиб доим намланиб турилганда арматура юзасининг 100% коррозия билан заарланишини кўриш мумкин.



2-расм. Намуналардаги пўлат занглашининг $P_{n\ddot{y}l}$ кинетикиси
1-буғлантирилмаган; 2-айниси, 2%ли $CaCl_2$ ва 1%ли $NaNO_3$ қўшимчалари билан;

3-айниси, 2%ли $CaCl_2$ қўшимчаси билан; 4-буғлатилган ва 2%ли $CaCl_2$ қўшимчаси билан.

Айниқса хлорли туз қўшимчаларнинг таъсирига кўпроқ аҳамият бериш зарур. Чунки нормал қотган сementли бетонда, ғовак суюқлиги pH даражаси юқори бўлишига қарамай, хлор ионларининг бўлиши пўлат юзасининг пассив ҳолатини бузади (2. -расм). Бироқ баъзи ҳолатларда хлорли туз қўшилган бетонда арматуранинг коррозияга учрашидан ҳавотирланмаса ҳам бўлади. Хлоридлар цемент алюминати билан кам ерувчан комплекс туз – гидрохлоралюминатни ҳосил қилиши мумкин. Шунинг учун бетон қориштирилганда унга бироз қўшилган кальций хлорид тўлалигича бирикиб пўлат пассивлигини бузмайди. Бироқ цемент алюминатлилиги қанча кам ва ундаги гипс микдори қанча кўп бўлса кўшиш мумкин бўлган микдор ҳам камроқ бўлади, нимагаки бу сўнгиси биринчи навбатда алюминатлар билан бирикади.

Темир арматура куйиб бетон, яъни қурилишида ишлатиладиган бўлса темирбетон, бошқа турдаги мумкин воқеа - бетон билан коррозия. Атроф-мухит, ёки сув бетон ўртасида ҳаво, хлор, олтингугарт газ арматура водород сульфид иштирокида ва занглаб темир коррозияга маҳсулотлари таъсири остида шаклланади. Ёрилиш бетон - ҳажми, улар ички ва ўсиш ва янада сабаб бериб, дастлабки ҳажми ошиб. Мустаҳкамлаш учун цемент матрицанинг ҳаво ва

намликни буни қабул қиласи. юзасининг турли жойларида бўлган турли салоҳияти бор туфайли металл юзаси билан таъминлаш бир хил амалга эмас - галваник коррозияга учрайди. мустаҳкамлаш галваник коррозия оқим даражаси намлик ўтказувчанлиги, ғоваклиги бетон блоклари ва унда ёриқлар борлигига боғлиқ. Сувда эрувчан моддалар мавжудлиги электролитлар концентрасияларда коррозия ошириш билан ортади. Сувда эримайдиган ва сульфат билан реакцияга эмас, бетон ҳимоясини сақлаш узайтирилса атмосфера карбонат ангидрид таъсирида жараёни карбонлашганлик дейилади. Карбонлашганлик коррозия қарши бетон ҳимоя қилиш, балки бетон билан корозёна ҳисса қўшади. (Цемент оғирлиги билан ортиқ 2%) кальций хлорид ўз ичига олади темир - бетон, Кальций хлор ҳавода ва сувда, ҳам коррозия тезлаштиради. Аниқ мустаҳкамлаш коррозия ҳимоя.⁵

Атрофида жуда аниқ бўлади, шунинг учун металл атрофдаги аниқ муҳити теккизиш учун пўлат учун бетон блоклари таъсирини ошириш учун керак.

Бўёқ ва қопламалар узок муддатли ва занглашдан ва заарли атмосфера таъсиридан қарши қурилиш иншоотларини сифатли ҳимоя қилиш учун мўлжалланган, бетон ҳимоя қилиш учун ишлатилади.

Бетон коррозияга қарши ҳимоя муҳофаза танлаш қурилиш тузилмалари ва ҳимоя қилинган материаллар билан аникланади.

Бетонни коррозиядан ҳимоя қилиш учун барча зарур бўлган бўёқли материаллар тақдим этади.

Назорат саволлари:

1. Бетон умрбоқийлиги нимани билдиради?
2. Статик таҳлилларга кўра ташқи қурилиш элементларининг талофати
3. Бетонинг умрбоқийлигини аниқловчи омиллар.
4. Аниқ ва ноаниқ бетон умрбоқийлигига эришиш чоралари
5. Бетон коррозия турлари

Адабиётлар рўйхати:

1. Dr. B.C. Punmia, Ashok Kumar Jain, Arun Kumar Jain. R.C.C. Designs (Reinforced Concrete Structures) Paperback – 2006. UK, 2006.
2. A.M. Neville, Properties of Concrete Fourth Edition, Pearson Education Asia pvt.,Ltd., 2000.
3. Edward Allen, Joseph Iano, Fundamentals of Building Construction: Materials and Methods, 5th Edition, London 200.
4. Акрамов Х.А., Нуридинов Х.Н. Бетон ва темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш технологияси. Ўқув қўлланма (лотин имлосида). I ва II қисм. Т.: Архитектура, қурилиш инновация ва интеграция маркази, 2012.
5. Қосимов Э. Қурилиш ашёлари. Олий ўқув юртларининг магистрантлари учун. - дарслик. Т.:«Mehnat».-2004, - 512 б.

⁵ Dr. B.C. Punmia, Ashok Kumar Jain, Arun Kumar Jain. R.C.C. Designs (Reinforced Concrete Structures) Paperback – 2006. UK, 2006

6. Тулаганов А.А. и др. Нанотехнологии в производстве цемента и бетона. Ташкент, 2008. -44 с.

4.мавзу. Металл қурилиш материаллари ва конструкцияларининг умрбоқийлиги

Режа:

- 4.1. Металл қурилиш материалларининг умумий тавсифи.
- 4.2. Металл қурилиш материаллари ва конструкцияларининг коррозияси.
- 4.3. Металл қурилиш материаллари ва конструкцияларини коррозиядан ҳимоялаш йўллари.

Таянч иборалар: металл тузилмалар, металл конструкциялар, бўшлиқ, чўян, мустаҳкамлик, кимёвий коррозия, чидамли буюмлар ва конструкциялар

4.1. Металл қурилиш материалларининг умумий тавсифи.

Металл қурилиш материаллари ва буюмлари. Умумий маълумотлар Замонавий қурилишни металл материалларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Металлар бино ва иншоотларнинг конструктив қисмларида-пойдевор, девор, том, каркас ва х.к. кучайтиришда, юқ кўтарадиган конструкциялар, темирбетон тайёrlашда, қоплама материаллар, биноларни ички ва ташки томондан безашда ишлатилади. Металлар бошқа материалларга нисбатан юқори мустаҳкамлиги, пластиклиги, термик ва кимёвий ишлов бериш имконияти билан ажralиб туради. Металлар юқори пластиклик, етарли бўлмаган мустаҳкамлик ва қаттиқликка эга бўлмагани учун тоза холда ишлатилмайди. Металлар асосан бошқа металлар ва нометаллар билан қотишма холда ишлатилади. Металлар қора ва рангли металларга бўлинади. Қора металлар-пўлат ва чўян темир ва углероднинг қотишмасидир. Агар темир таркибига углерод 2% гача киритилса пўлат, 2% кўп киритилса чўян ҳосил бўлади. Рангли металларга мис, алюминий, магний, титан, никел, рух, қалай, қўрғошин ва бошқалар киради. Рангли металлар ер юзида кам учрайди ва металл ишлаб чиқаришни 5% ташкил этади. Қурилишда рангли металл ва қотишмалардан енгил ва кимёвий муҳитларга чидамли конструкцион элементлар, безак буюмлари ва бошқа материаллар ва қисмлар Металларнинг коррозияси Кимёвий коррозия электролит бўлмаган органик куруқ газлар ва суюқликларнинг металларга таъсири натижасида вужудга келади. Кимёвий коррозиянинг бу турида металл юзаси юқори ҳароратда оксидланади. Бу турдаги коррозия кам учрайди.



Металларга электролитлар-кислота, ишқор ва тузларнинг эритмалари таъсирида электркимёвий коррозия вужудга келади. Бу агрессив мұхитларда металл коррозиясига металл ионларининг эритмага аста-секин ўтиб емирилиши сабаб бўлади. Қурилишда архитектура қисмлари асосан алюминий металли ва унинг қотишмаларидан тайёрланади. Қора металлар Қора металлар олишда хомаше сифатида магнетит, гематит, пиролюзит, хромит каби темир рудаси ишлатилади. Қора металлар таркибида углероддан ташқари оз микдорда кремний, марганец, олтингугурт, фосфор ва х.к. бўлади. Қора металлар таркибига хром, никел, молибден, алюминий, мис каби легирловчи моддалар қўшиб, уларнинг хоссаларини ўзгартириш мумкин. Қора металлар таркибидаги углерод микдорига қараб чўянлар ва пўлатларга бўлинади. Чўян. Чўян темир оксидларидан темирни домна жараёнлари натижасида қайтариб олинади. Унинг таркибида 93% темир, углерод 5% гача ва оз микдорда қўшимчалар бўлади. Чўян оқ, кулранг ва маҳсус чўян турларига бўлинади. Оқ чўян қаттиқ ва мўрт бўлиб, уларни қайта ишлаш ва қуиши қийин бўлади. Чўян пўлат ва маҳсус чўян ишлаб чиқаришда ишлатилади. Кулранг чўянлар юмшоқ, оқувчан, қайта ишланувчан, едирилишга, чидамли ва қуйма буюмлар тайёрлашда ишлатилади. Чўяннинг маҳсус турлари кулранг чўянларнинг бир хили бўлиб, чўянни узоқ муддат (80 соат) юқори ҳароратда термик ишлов бераб олинади. Чўянлар таркибига марганец, кремний, фосфор ва легирловчи қўшимчалар қўшиб уларнинг мустаҳкамлигини ошириш мумкин.

Пўлат чўян таркибидан ортиқча углерод ва қўшимчаларни маҳсус технологик усуллар воситасида чиқариб юбориб ҳосил қилинади. Пўлат асосан конвертор, мартен ва электр токи билан эритиш усулларида



олинади. Пўлат таркибida углерод 2% гача бўлади. Пўлатлар кимёвий таркибiga кўра углеродли ва легирланган бўлади. Углеродли пўлатлар темир ва углерод ҳамда марганец, кремний, олтингугурт ва фосфор аралашмалари асосидаги қотишимадир. Улар қотишига кўра сокин, яrim сокин ва қайнайдиган пўлат турларига бўлинади. Пўлат таркибiga никел, хром, волфрам, мис, алюминий, молибден ва бошқа рангли металлар киритилиб легирланган пўлатлар олинади. Пўлатлар кам легирланган (2,5% гача), ўртacha легирланган (2,5-10%) ва кўп легирланган (10% дан ортиқ) бўлади. Пўлатлар ишлатилиш соҳасига кўра конструкцион, маҳсус асбобсозлик пўлатларга бўлинади. Конструкцион пўлатлардан қурилиш конструкциялари, арматуралар, маҳсус пўлатлардан эса оловбардош ва коррозияга чидамли буюмлар ва конструкциялар тайёрланади. Сифатига кўра пўлатлар оддий, сифатли, юқори сифатли ва алоҳида юқори сифатли турларга бўлинади. Чўян ва пўлат ишлаб чиқариш асослари Қора металлар ишлаб чиқариш мураккаб технология бўлиб, шартли равишда икки босқичдан иборат. Биринчи босқичда темир рудасидан чўян ишлаб чиқарилади. Иккинчи босқичда эса чўяндан пўлат ишлаб чиқарилади. Чўян темир рудасини кокс ёқилғиси билан домна печларида эритиш натижасида ҳосил бўлади. Кокс ёнганда ҳосил бўладиган карбонат ангидриди (CO_2) чўғланган коксдан ўтиб углерод оксидига (2CO) айланади ва темир рудасига таъсир этиб қуйидаги умумий схема тарзида чўян ҳосил қиласи: $\text{Fe}_2\text{O}_3 \rightarrow \text{Fe}_3\text{O}_4 \rightarrow \text{FeO} \rightarrow \text{Fe}$. Флюслар-оҳактошлар, доломитлар ва қумтошлар кераксиз жинсларнинг суюқланиш ҳароратини пасайтириш ва кокс кулини шлакка айлантириш учун ишлатилади. Домна печи ташқи томондан металл қобиғ билан ва ички томондан оловбардош ғишт билан қопланган шахта кўринишида бўлади. Печга устки қисмидан маҳсус мослама воситасида руда, ёқилғи ва флюс шихта ҳосил қилиш учун навбат билан ташлаб турилади. Кокс ёнишини таъминлаш учун печнинг пастки қисмидан (горн) иссиқ ҳаво босим остида берилади. Печнинг пастки қисмida $900-1100^\circ\text{C}$ темирнинг тикланган бир қисми углерод билан биришиб темир карбидини ҳосил қиласи. Бу жараён 209 углеродланиш жараёни дейилади. 1150°C ҳароратда ҳосил бўлган суюқ чўян печ горнига оқиб тушади. Суюқланган шлак эса зичлиги камлиги туфайли чўян эритмасининг устки қисмida бўлади. Навбат билан аввал шлак, кейин чўян горндан чиқариб турилади. Суюқланган чўяндан маҳсус чўян қуйиш машиналари ёрдамида қолипланиб чушкалар тайёрланади ёки маҳсус ковшларда пўлат эритиладиган цехга юборилади. Суюқланган шлақдан шлак гранулалари, пемзаси ва тош қўймалар тайёрлаш мумкин. Пўлат ишлаб чиқариш жараёни. Чўян таркибидаги аралашмаларни-углерод, кремний, марганец, олтингугурт, фосфор ва х.к. турли усууллар билан камайтириб пўлат олинади. Бу жараёнда аралашмалар шлакка айланади ёки бутунлай ёниб кетади. Пўлат эритишда асосий хом ашё чўян бўлиб, пўлат бўлаклари, ферроқотишималар, темир рудаси ва флюслар ҳам ишлатилади.



Легирланган пўлатлар. Кам легирланган пўлатлар курилиш тизимида кўпроқ ишлатилади. Бу пўлатлар таркибида углерод микдори 0,2% ошмаслиги шарт, акс ҳолда пўлатнинг пластиклиги ва коррозияга чидамлилиги пасаяди ҳамда пайвандланиши қийинлашади. Юқори сифатли пўлатлар кафолатланган хоссаларига кўра 15 категорияга бўлинади. Легирловчи қўшимчалар пўлат хоссасига қуидаги тарзда таъсир этади: марганец пўлатнинг мустаҳкамлигини, қаттиқлигини ва едирилишга бардошлигини оширади; кремний ва хром мустаҳкамлиги ва оловбардошлигини; мис пўлатнинг коррозияга чидамлигини оширади; никел эса пўлатнинг зарбий мустаҳкамлигини, қовушоқлигини оширади. Никел, хром ва мис билан легирланган пўлатлар пластиклиги юқори, яхши пайвандланадиган бўлади. Улар асосида саноат ва фуқаро курилиши конструкциялари, кўприклар пролетли қурилмалари ва бошқалар тайёrlанади. Металл конструкциялар тайёrlашда кам углеродли, кам легирланган ва бошқа маркадаги пўлатлар ишлатилади. Ўртacha ва кўп легирланган пўлатлар таркибига хром-никел, хром-никел-марганец легирловчи қўшимчалар киритилади. Бу пўлатлар коррозия муҳитига чидамли бўлади.

Курилиш тизимида пўлатнинг энг кўп ишлатиладиган соҳаси темирбетон конструкциялар тайёrlашда арматура сифатида қўлланилишидир. Темирбетон конструкциялар учун пўлат арматуралар Темирбетон конструкциялар тайёrlашда стерженли, симли текис ва даврий кўндаланг кесимли, арқонсимон ўралган арматуралар ишлатилади. Арматуралар кам углеродли ва кам легирланган пўлатлардан тоблаш усулида мустаҳкамлиги оширилган, иссиқ ёки совуқ ҳолда чўзилган бўлиши мумкин. Темирбетон конструкцияда А-IV-А-VI; Ат-IVC(K)-Ат-VIC(K) типидаги стерженли; В-II, Вр-II 213 типидаги симли ва К-7, К-9 типидаги ўрилган арматуралар ишлатилади. Одатда А-I, А-II, А-III, Вр-I арматуралар аввалдан тарангланмаган ҳолда, ўрилган ва юқори мустаҳкамликдаги стерженли арматуралар. Пўлат таркибига легирловчи қўшимчалар-хром, марганец, кремний, мис, фосфор, алюминий ва бошқалар қўшилиб, термик ва термомеханик ишлов берилса, механик хоссалари ва коррозия муҳитига чидамлилиги ортади. Арматура сифатида ишлатиладиган пўлатнинг чўзишишдаги мустаҳкамлик чегараси муҳим аҳамиятга эгадир, чунки ишчи арматура темирбетон конструкциясининг чўзилувчи қисмига қўйилади.



Металл конструкцияларни коррозиядан мухофаза қилиш. Металл тузилмаларда энг кенг тарқалган коррозия турлари: ягона металл коррозия; бүшликларда коррозия; ковак коррозия; концентрациялы коррозия. Металл тузилмаларда оптимал ҳимоя қоплама усуллари: металлазём, уларнинг ранги, полимер бўёқлар, эпокси, полиретан, поливинилхлорид, хлорли каучук ва бошқалар. Металл сиртини қоплашдан олдин, механик, иссиқлик ёки кимёвий воситалар билан тозаланади. Механик усуллар қуйидагиларни ўз ичига олади: қўл ёки механизациялашган, тозалаш воситаси, металл сиртга олов ёки керосин билан Кимёвий тозалаш усуллари: кислотали ишқорлар, органик эритувчи эски бўёқни олиб ташлаш. Махсулотлар юпқа қатламини коррозиядан ҳимоялаш учун юзалар органик эритувчи, ёғ, синк, алюминий, металлазём қопламалар ишлатилган. Асосий материал сифатида металл моддаси қўлланилган металлазём ёки синк, алюминий бир вақтнинг ўзида эритиб қўлланилади. Металлазём билан бўяш учун сирт тайёргарлиги амалга оширилади.



Танланган модда ва тури қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:
1)ишончли атмосфера таъсиридан металлни ҳимоя қилиш учун ва қоплама хизмат муддати 8-10 йил кам бўлмаган; 2) бир ёки икки марта эмал қатлами қалинлиги 100-120 микрон минимал қалинликда бўлса 3) зич эластик сув ва газ ўтказмайдиган металл учун кучли кескинликлар.

